

Маҳалла

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2010 йил 3 июнь. Пайшанба

1996 йилдан чиқа бошлаган

ISSN 2010-7013

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ

Саманкўл — замонавий қишлоқ

Хўжайли тумани Саманкўл овулида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 20 та замонавий тураржой ўз эгаларига топширилди



Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Оролбўйи ҳудудига ҳам намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этиш ишлари изчил давом этмоқда. Барча шарт-шароитга эга замонавий уй-жойлар ҳудудлар қиёфасини ўзгартириб, инфратузилма ривожига катта ҳисса қўшаётди. Янги уйларга аҳолининг қизиқиши ортиб, уларга талабдорлар кўпаймоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани «Саманкўл» овул фуқаролар йиғини ҳудудидagi Ойбек аҳоли пунктида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 20 та замонавий тураржойнинг қилишлари ўз эгаларига топширилди. — Бундай замонавий, барча шароитга эга уйга қўчиб ўтганимиздан хурсандимиз, — дейди янги уй соҳибларидан бири Хидирбой Файзуллаев. — Бунёд этилаётган янги қишлоқда барча коммуналхона тизими тўла-тўқис қуриб битказилди. Равон йўллар, табиий газ, ичим-

лик суви, электр энергияси таъминоти кўнглидагидек. Булар Юртбошимизнинг қишлоқ аҳолисига кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрлигининг амалий ифодасидир. «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик тижорат банки қошидаги «Қишлоқ қурилиш инвест» иштирокчилигидаги шўба инжиниринг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси филиали буюртмаси бўйича мазкур янги уй-жойлар қурилиши тумандаги «Энинг кўрки қурилиш» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан амалга

оширилди.

— Уйларни бунёд этишда асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаландик, — дейди мазкур жамият раҳбари Пулат Тўремуратов. — Деворбоп материаллар ишлаб чиқарувчи «Хўжайли гишт» заводи, «Қорақалпоқ иккиламчи қора металл» ҳамда Тошкентдаги қувур ишлаб чиқарувчи корхона маҳсулотларининг ўз вақтида етказиб берилгани қурилиш ишлари сифатли ва тез фурсатда амалга оширилишини таъминлади.

Худудда қишлоқ аҳолиси учун ихчам ва барча қўлайликларга эга бўлган ана шундай уйлар қурилиши давом этмоқда. Янги қишлоқда яна 17 та тураржой қурилиши бошлаб юборилди. Янги уйларни «Қизикеткен гишт» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари барпо этмоқда.

— Янги уйлар қуриш учун 12,5 гектар майдон ажратилди, — дейди «Саманкўл» овул фуқаролар йиғини раиси Сарибой Кенжебоев. — Қурилаётган уйларнинг ихчамлиги, сифати ва қўлайликларини кўрган овулошларимиз орасида алаббосчар қўлаймоқда. Йил охиригача яна йигирмага яқин хонадонда уй тўйлари нишонланади.

Баркамол авлод йилда Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа туманларида ҳам намунавий лойиҳа асосида қурилаётган 310 та ана шундай уй ўз эгаларига топширилади.

Аминбой ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири.

2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Болалар ҳамиша меҳр ва эътиборда!



АЛИШЕР НАВОЙИ номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида концерт ва болалар бадиий ижодиёти кўргазмаси ташкил этилди.

«Ҳар бир фарзанда — меҳр, эътибор!» махсус ҳафталигининг ўзига хос яқини тарзида ўтказилган тадбирга маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган, серфарзанд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ўғил-қизлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатларнинг ўқувчилари таклиф этилди.

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О.Ризаев Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларга пухта билим ва тарбия бериш, саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган эзгу ишлар миллий анъана ва қадриятларга, жаҳондаги илғор андозаларга асослангани билан ҳам аҳамиятга экинни таъкидлади. Таълим-тарбия, маънавий-маърифий соҳалардаги кенг қўламли ислохотлар миллий қадриятлар руҳида қамоқ топган, маънавий ва жисмоний етук ёшларни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашда «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази сингари жамоат ташкилотлари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Юртимизда бир ҳафта давом этган «Ҳар бир фарзанда — меҳр-эътибор!» мах-

сус ҳафталиги бу борадаги ибратли ишларнинг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Ҳафталик мобайнида Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун концертлар, хайрия акциялари, бадиий кўргазмалар, театрлаштирилган томошалар, ижодий фестиваллар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ташкил этилди. Маҳаллаларда, истироҳат боғларида, таълим масканларида ҳуқуқшунос олимлар, маънавият тарғиботчилари иштирокда болаларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган семинарлар, жомли мулоқотлар, анжуманлар ўтказилди.

Тошкент ҳайвонот боғи, ботаника боғи, турли меъморий-тарихий масканлар, музейларга, шунингдек, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманига ташкил этилган саёҳатлар болаларнинг билим ва тасаввурини янада бойитди. Ахборот-ресурс марказларида ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар иштирокидаги ижодий кечалар ўғил-қизларнинг бадиий адабиётга бўлган меҳрини орттириш баробарида болалар адабиётига оид янгиликлар билан таништириш имконини берди. Айни пайтда юртимиздаги болалар шифохоналари, тиббиёт масканларида ҳам «Болалар соғлиги — юртимиз бойлиги» мавзuida рангбаранг хайрия акциялари ташкил этилди, касалликка чалинган кичкинтойларга махсус совғалар, тиббий анжом ва ускуналар топширилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Электрон ҳамён: қулай ва фойдали



С из яшаётган ҳудуддаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳисоб-китоб терминаллари билан таъминланганми? Терминалларнинг «вақтинча» ишламаслиги баҳона қилинмаптими? Товарлар банк пластик карточкаси орқали харид қилинганда нархи асоссиз равишда оширилмаптими? Бундай ҳолатлар юз берганида нима қилиш керак?

ЎЗА мухбири мазкур долзарб масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Пластик карточкалар тизими мониторинги ва таҳлили бошқармаси бошлиғи Фахриддин Бобоев билан суҳбатлашди.

— Мамакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида пул му-

омаласи тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда, — дейди Ф.Бобоев. — Хусусан, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратиш борасида кенг қўламли ва изчил ишлар амалга ошириляптир.

Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелда қабул қилинган «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бунда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари томонидан ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш юзасидан тизими ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, пластик карточкалар, ҳисоб-китоб терминаллари, банкоматлар ва бошқа махсус жиҳозларни юқори даражада ҳимоя қилиш бўйича белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаш, пластик карточкалардан фойдаланиш орқали тўловларни нақд пулсиз амалга оширишда сохталаштириш ҳамда фирибгарликларни бартараф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриломоқда.


ИҚТИСОДИЁТ > [3]

ДАВРА СУҲБАТИ

Янги лойиҳа муҳокама этилди

БУГУН юртимизда ёшлар тақдири, келажаги ҳақида қайғуриш ҳамда улар манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари мутасаддиларининг ҳамкорлигидаги саъй-ҳаракатларида ўз ифодасини топтомоқда. Биргина фуқаролар йиғинлари қошидаги Ёшлар билан ишлаш комиссиялари мунтазам фаолият олиб бораётганини, мазкур комиссия ёшларнинг ижтимоий фаолигини ошириб, уларни барча соҳада ўз иқтидори ва салоҳиятини намойён этишлари учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [3]



© фото-Носир Ҳайдаров

Аҳоли фаровонлиги йўлида

С епатта қишлоқ фуқаролар йиғини нафақат Жондор тумани, балки Бухоро вилоятидаги йирик sanoatlashgan ҳудудлардан бири. Бутунги кунда йиғин ҳудудига 2 та қўшма корхона, 3 та гишт заводи ҳамда 5 та турли кишини иш билан таъминланган.

«Евроснар» Ўзбекистон—АҚШ қўшма корхонаси улар орасида энг йириги ҳисобланади. Дастлаб 2006 йилда 24 киши билан ўз фаолиятини бошлаган мазкур корхонада айни пайтда 150 нафардан зиёд аҳоли иш билан таъминланган.

— Корхонада, асосан, пахта, соя, кунгабоқар ёни ишлаб чиқарилади, — дейди корхона раҳбари Улуғбек Нарзиев. — Илгари маҳсулотларимиз фақат ички бозорда сотиларди, энди эса хориж давлатларига ҳам экспорт қиламиз. Жорий йилда корхона Хитойдан ёни

қадоқлаш ва ҳидсанлантириш технологияларини харид қилди. Яқинда ушбу технологиялар асосида яна бир цех ишга туширилади. Демак, тез орада қўшма корхона сифатли ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга яна 50 нафар кишини иш билан таъминлайди.

— Қишлоқ аҳолининг кўпчилиги мазкур корхонада ишлашади, — дейди Сепатта қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Ашуров. — Қолаверса, ҳудудимиздаги барча фирмалар мазкур корхона билан шартнома асосида бугундан бушган майдонларга кунгабоқар, соя ўсимликларини экиб, қўшимча даромадга эга бўлишмоқда.

Қувонарлиси, йиғин ҳудудига тадбиркорлик субъектларининг кўпчилиги аҳоли бандчилигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, «Шийоаттекстил-маш» қўшма корхонасида 60 нафар фуқа-

ро уч сменада меҳнат қилиб, турли хил сифатли ва арзон тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқараётди. Шунингдек, тадбиркор Рашид Жумаев бошчилиги қилаётган «Рашид — Жасмина — Феруз» хусусий корхонасида 25 нафар ходим иш билан таъминланган. Бутунги кунда бу ерда ҳар ойда ўртача 150-200 минг дона гишт гишт ишлаб чиқариломоқда.

— Юртбошимизнинг «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришнинг кўпайтиришнинг рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, фирмада модернизация ишларини амалга оширишни мўлжаллаётимиз, — дейди корхона раҳбари Рашид Жумаев. — Шу мақсадда яқинда Хитой Ҳалқ Республикасида ишлаб чиқарилган кам газ сарфлайдиган печта буюртма бердик. Бундан ташқари, анъанавий ҳудудлардан воз кечиб, айланма ҳаракат асосида иситиладиган ҳумдон

қуриш ишларини бошлаб юборганмиз. Бу ҳудудлар гиштини аввалгиларига нисбатан 4-5 соат тез пишииб беради. Шунда корхонамиз ойда 300 минг дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Дарҳақиқат, ушбу корхоналарнинг ишга тушгани аҳоли фаровонлиги учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, қишлоқда истиқомат қилаётган 12300 нафар аҳолидан минг нафарга яқини ушбу sanoat корхоналарида меҳнат қилаётгани фикримизнинг яққол далилидир. Бундан ташқари, қишлоқда яна янги иш ўринларини яратиш мақсадида мебель цехи, новвойхона, паррандачилик билан шугулланувчи кичик тадбиркорлик субъектларини ишга тушириш борасида ҳам кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Акбар РУСТАМОВ,
«Маҳалла» мухбири.

“УНИВЕРСИАДА – 2010”

Хайр Андижон,
салом Бухоро!

АНДИЖОНДА ўтказилган бу гаги “Универсиада – 2010” спорт мусобақалари юртимиз талаба-ёшларининг ҳақиқий спорт байрамига айланган. Беллашуларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари таркибиде 1800 нафарга яқин йилгит-қиз спортнинг 12 тури бўйича медаллар учун ўзаро кураш олиб боришди. Спортчи-талабалар Олимпиада ўйинлари тамойиллари асосида куч, зичлик, тезлик борасида ҳалол беллашиб, юксак спорт маҳоратини намойиш этиб, 176 олтин, 176 кумуш ва 191 бронза медалларига сазовор бўлди.

“Универсиада – 2010” беллашулари натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Тошкент шаҳри жамоаси эгаллади. Иккинчи ўрин Андижон вилояти, учинчи ўрин эса Навоий вилояти вакилларига насиб этди.

Энг қадри, энг нуфузли совға – Президентимиз Ислам Каримовнинг “Универсиада – 2010” қатнашчиларига йўлаган табригининг асл нусхаси билан мусобақа ғолиби – Тошкент шаҳри терма жамоаси тақдирланди. Шунингдек, ғолиб жамоаларга Президент совғаси – “Дамас” автомобиллари тақдим этилди.

Универсиаданинг турли номинациялари бўйича энг юқори натижаларни қайд этган спортчилар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ушбу нуфузли мусобақалар тўғрисида ўнлаб маҳалларга, оналарга жисмоний тарбия ва спорт шукҳи кириб борди. Асосийси, кичик олимпиада ўйинларини натижасида мамлакатимиз спорт салоҳияти юксaldi, маҳоратли спортчиларимиз сафни кенгайди.

Кичик олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиш маросимиде мусобақа байроғи Универсиаданинг навбатдаги мезбони – Бухоро вилояти вакиллариға топширилди.

Спорт мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросимиде Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Муҳбиримиз.

ДАВРА СУХБАТИ



© фото-Носир Хайдаров

Янги лойиҳа
муҳокама этилди

< [1]

Айни кунларда Ўзбекистон “Маҳалла” ҳайрия жамғармаси республика бошқаруви “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа қатор ташкилотлар вакиллари ҳамкорлигида фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш, қўлаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”-ги қонуни, шунингдек, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўлаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда, ушбу комиссия фаолиятини тартибга солиш масалаларига баянланган давра суҳбатларини ташкил этмоқда.

Давра суҳбатларида иштирокчилар томонидан “Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси тўғрисидаги Низом”нинг янги лойиҳаси атрафлича муҳокама этилмоқда.

Ана шун масалага байишланган навбатдаги тадбир “Маҳалла” жамғармаси Тошкент вилояти бўлими бошқарувида ўтказилди. Давра суҳбатига тегишли ташкилот вакиллари, жамғарманинг туман бўлима-лари мутасаддилари ҳамда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилар иштирок этишди.

Тадбирни “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви раисининг биринчи

ўринбосари Р.Шералиев очиб, фуқаролар йиғинлари қошидаги Ёшлар билан ишлаш комиссиясининг мақсад ва вазифалари ҳамда мазкур комиссия ишини жонлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳақида аниқ тушунчалар берди. Ўз навбатида, айрим йиғинларда ушбу комиссия ишининг қониксарсиз эканини, баъзи жойларда эса умуман, бу комиссия иши ташкил этилмаганини мисоллар билан таҳлил этиб, муаммоларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар бидирди.

— Фуқаролар йиғинлари қошидаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси ишини такомиллаштириш давр талаби, — дейди “Камолот” ЁИҲ Тошкент вилояти кенгаши раиси Иброҳим Холатов. — Мазкур комиссия фаолиятини янада жонлантириш, иш суръатини оширишда эса тегишли ташкилотлар билан ўрнатилган ҳамкорлик қўлаб келади. Комиссия таркибига маҳалларда истиқомат қилаётган етакчилик қобилиятига эга, иқтидорли ёшларни жалб этиш мақсадида мувофиқлар.

Тадбир давомиде ҳар бир иштирокчи ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

— Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, — деди “Маҳалла” жамғармасининг Бўстонлик тумани бўлимаси бошқаруви раиси Тўрабой Раҳмонов, — жойларда ёшлар муаммоларини ҳуқуқ ўрганиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий саводхонлигини, маданиятини ошириш, бу борада ўқув-семинарлар ўтказиш, ўз қизқишларига қараб “Устоз — шо-

гир” анъанаси асосида касб-хўнарга йўналтириш каби масалаларнинг ижобий ҳал этилиши маҳалла оқсоқолларига фойдаларига қўмак беради. Бундан ташқари, комиссия аъзолари диний экстремистик оқимларга ҳамда ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган йилгит-қизлар билан тарбиявий-тушунтириш ишларини изчил йўлга қўйишлари керак.

— Тажрибамдан биламанки, ўсиб келаётган ёш авлод онгиде ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шъатини ардоқлаш каби ғазилатларни шакллантиришда, уларни миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда комиссиялар, айниқса, Ёшлар билан ишлаш комиссияси муҳим ўрин тутди, — дейди Тошкент туманидаги “Наврўз” маҳалласи маслаҳатчиси Ёқутхон Мўминова. — Қолаверса, ёшларни бираштириш, ўқувчи йилгит-қизлар орасидан фаол, иқтидорлиларни аниқлаш, турли спорт мусобақаларини ташкил этиш ҳамда маҳаллада ёшлар ҳаётига оид тарбиявий, маънавий-маърифий тадбирларни ташкиллаштиришда ҳам ушбу комиссия фаолияти зарурдир. Давра суҳбатларида иштирокчилар “Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси тўғрисидаги Низом”нинг янги лойиҳаси асосида ўз фикр-мулоҳазаларини бидирди. Шунингдек, лойиҳа асосида “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви қошида ташкил қилинган ишчи гуруҳига комиссия фаолиятини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрланди.

Муҳбиримиз.



Республикаимиз маҳаллаларида

Бола шодлигидан олам
мунаввар

Болалар — кемажамғимиз. Дунёдаги барча яхши нарсаларни уларга тўғра этиш ҳам камлик қилади. Айниқса, байрам арафсиде берилган ҳар қандай совға бир умр болаларнинг ёдида муҳрланиб қолади.

1 июнь — Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш куни «Маҳалла» жамғармаси Нукус шаҳар бўлими томонидан хайрли ишга қўла урилди: Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 37-сонли болалар боғчаси тарбияланувчиларига ажо-

йиб байрам совғалари тўғра этилди. Жамғарма ва шаҳар ободонлаштириш бошқармаси томонидан боғча жамоасига рангли телевизор, DVD ва 300 минг сўмлик ҳар хил ўйинчоқлар, қўйроқчоқлар ҳамда спорт анжомлари топширилди. Ўз навбатида боғча тарбияланувчилари байрамга атаб тайёрланган концерт дастурини намойиш этишди.

Қ. РЕЙМОВ,
«Mahalla» муҳбири.

Жиззах вилоятида Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Ҳар бир фарзандга — меҳр, эътибор!» шиори остида ташкил этилган ҳафталик 1 июнь куни бўлиб ўтган байрам тадбири билан ниҳоятга етди. Ҳафталик давомиде маҳалла жамғармаси вилоят бўлими, «Жиззахсавҳат» ҳамда ҳомий ташкилотлар кўмағида 390 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига саёҳати уюштирилди. Воҳанинг қўлаб аҳоли кўрғоналарида маҳалла ёшлари билан шоир ва ёзувчиларнинг учрашувлари ўтказилди. Вилоят

«Меҳрибонлик уйи»нинг 120 нафар тарбияланувчилари Тошкентдаги «Дисней-Ленд» паркни томоша қилишди.

— Байрам куни вилоятда истиқомат қилаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, хизмат даврида ҳалок бўлган ҳарбийлар ва ички ишлар ҳодимларининг фарзандлари ҳамда ногирон болалар ҳолидан хабар олиниб, уларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатилди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бош мутахассиси Феруза Каримова.

А. ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» муҳбири.

1 июнь — Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Тошкент вилояти Янгийўла шаҳридаги “Фарҳод” маҳалласи фуқаролар йиғинида «Ҳар бир фарзандга — меҳр, эътибор!» шиори остида сазоват тадбири ўтказилди.

Шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» ҳайрия жамғармасининг шаҳар бўлими, «Совлом авлод учун» ҳайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган

ушбу тадбирда тиббиёт бирашмаси ҳодимлари, маҳалла оқсоқоллари, фаоллар ҳамда қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Тадбир сўғида ҳомий ташкилотлар томонидан ҳудуддаги 7 нафар жисмоний имконияти чекланган болага ногиронлар аравачаси топширилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ,
«Mahalla» муҳбири.

1 июнь — Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан пойтахтимизнинг Гафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбирда маҳалларда истиқомат қилувчи кўп болали, кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда шаҳардаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирок этишди. Уларнинг 1000 нафарига «Ҳар бир фарзандга — меҳр, эътибор!» шиори туширилган футболкалар берилди. Байрам дастурида болалар учун турли фестиваллар, викторина ўйинлари, спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолиблар Республика «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент ша-

ҳар бўлими бошқаруви томонидан ажратилган совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, шу куни жойлардаги боқувчисини йўқотган, ногирон болалар ҳолидан хабар олиниб, уларга мурувва, ерданлар кўрсатилди. Болаларга ҳайвонот боғи, цирк ва истироҳат боғларида дам олишлари учун бепул чиқарилган тарқатилди.

Бола шодлигидан олам мунаввар. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳам, айнан ёш авлоднинг барқарол инсонлар бўлиб улғайишини таъминлашга қаратилган.

Муҳбиримиз.

5 ИЮНЬ — ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

Ҳаётимиз бардавомлиги манбаи

Бутун сайёраимизда рўй бераётган иқлим ўзгаришлари, атмосферанинг ифлосланиши, сув ресурслари тақчилиги, улардан норационал фойдаланиш, биологик хилма-хилликнинг камайиши, тупроқ деградацияси, чиқиндилар муаммоси барчамизни оғоҳликка ундайди. Бу масалаларни ўзаро ҳамкорликда ҳал этиш мақсадида 5 июнь сайёраимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш халқаро куни сифатида кенг нишонланади.

Чегара билайдиган, мамлакат танламайдиган айрим экологик тангликлар бизнинг минтақамизни ҳам четлаб ўтаётган. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамлигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида бу борада ўз ечимини кутаётган долзарб вазифаларни ҳал этиш, ишлаб чиқариш соҳасида соф технологияларни қўлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишдаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги ўз самараларини бераётган.

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланишнинг мустаҳкам ҳуқуқий механизми яратилган. Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган сайловда жаҳон тажрибасида илк бор мамлакатимиз парламентига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан ўн беш нафар депутат сайланиши маҳаллий ва хорижлик экспертлар томонидан экологик қонунчиликни янада такомиллаштириш, бу борадаги муаммоларни ҳал этишда яна бир муҳим қадам сифатида юксак баҳоланди.

Мамлакатимизда табиатдан фойдаланиш ишларида давлат назоратини юритиш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси зимма-

сига юкланган. Мазкур қўмитанинг ахборот хизматида олинган маълумотларга кўра, бу йўналишда амалга оширилаётган туб ислохотлар атроф-муҳитни муҳофаза қилишда янада самарали сиёсат ва институционал ўзгаришларни амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўтган йили бу борада белгиланган тадбирларни бажариш мақсадида етти юздан зиёд иншоот ва корхонада давлат назоратини амалга оширди. Табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик бузилаётган ҳолатлар аниқланиб, тергов органларига юзга яқин ҳужжат тақдим этилди. Табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи 2017 объектининг фаолияти вақтинчалик тўхтатилади. Натижада ҳавога чиқарилаётган ифлослантيرувчи моддалар 105,3 тонна камайишга эришилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнида тупроққа салбий таъсир этувчи физикавий, кимёвий ва биологик моддаларнинг қўйилиши ва табиий омилар тўғрисида дунёда йилга олти миллион гектар ер чўлланади. Бундай муаммоларни бартараф этиш учун деҳқончиликда илмий асосланган технологияларни жорий этиш, сувориларни тизимларини такомиллаштириш, ирригация ишларида тежамкор усулларни қўлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ кенг қўламли ишларни амалга ошириш лозим.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 31 октябрда қабул қилинган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси тузилгани қишлоқ ҳўжамлигида амалга оширилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш ва барқарор ривожланишга эришиш билан боғлиқ вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда юксак самаралар бераётган.

Бу йўналишдаги вазифаларни бажариш мақсадида 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга оид давлат дастури қабул қилинди. Мелiorатив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, тиклаш, таъмирлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида биргина 2009 йилининг ўзида 240 минг гектар ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланди.

Табиатнинг бебаҳо неъматлари ичиде сувнинг қиммати беқиёс. Мазмулларга кўра, ер шарининг тўртдан уч қисми сув билан қопланганига қарамай, ичимишга яроқли оби ҳаёт захиралари роят чекланган. Шу боис, сайёраимиз аҳолисининг ярмидан кўпи тоза ичимлик сувига муҳтож ёки санитария талабларига жавоб бермайдиган сув истеъмол қилишга мажбур. Таҳлиллар келгусида бу кўрсаткич янада ошиши ва сувга эҳтиёж ўсиб боришини кўрсатаётган. Ичимлик сувини тежаш, ер ости сувлари, дарёлар ва денгизлар ифлосланганининг олдини олиш, аграр соҳада суворилар ишларини янгилаш мезонлар асосида ташкил этиш бундай вазиятни изга солишининг мақбул усуллари сифатида белгиланмоқда.

Табиат юртимизни бошқа неъматлар билан бир қаторда оби ҳаёт захиралари билан ҳам сийлаган. Мамлакатимиздан қўлаб дарёлар оқиб ўтади. Аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини қоплашда ер ости чучук сув манбаларидан фойдаланилади. Ҳозир юртимизда 77 та ана шундай оби ҳаёт захираси мавжуд. Бу ҳудудларда сувнинг ифлосланиши ва камайишнинг олдини олиш мақсадида мунтазам кузатув ва мониторинг олиб бориламоқда. Чучук сув захиралари ҳосил бўладиган ҳудудларга муҳофаза этиладиган ҳудуд мақоми берилади ва бундай жойларда сувга салбий таъсир кўрсатадиган

ишлаб чиқариш жараёнилари чекланган.

Айни пайтда юртимиздан оқиб ўтувчи дарёларнинг сувини муҳофаза қилиш минтақаси ва қирғоқбўйи полосаси белгиланди. Қашқадарё, Сурхондарё, Қорадарё, Зарафшон, Чирчиқ ва Норин дарёларининг сувини муҳофаза қилиш минтақаси етимлиш уч минг гектардан зиёд майдонни, қирғоқбўйи полосаси қарийб ўн минг гектар ҳудудни эгаллайди. Бу дарёлар сувига салбий таъсир этгаётган 140 дан зиёд иншоот четта кўчирилди.

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2009 йил 25 декабрда “Қишлоқ ва сув ҳўжамлигида иқтисодий ислохотлар чўқурлаштирилганини муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши сув ва сувдан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштиришда муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ер ва сув назорати бош бошқармаси бошлиғи Муҳаммад Маманазаров. — Қонунга биноан, сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби янада такомиллаштирилди. Сувдан фойдаланувчи, сув истеъмолчиси, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва сувни муҳофаза қилиш, соҳиббўйи зоналарини белгилаш бўйича ҳуқуқий муносабатлар тизими тўла-тўқис тартибга солинди. Ҳозирги кунда ушбу ўзгаришлар ва қўшимчалар асосида қонун ижросини таъминлаш мақсадида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан алоқадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда инсоннинг интеллектуал соҳаюти ва фан-техника ютуқлари асосида бошқа соҳалар қатори саноат ва ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда. Бу атроф-муҳитга зарарли таъсирлар

ни камайтириш, чиқиндиларнинг инсон саломатлиги ва табиий муҳитга зиёнини олдини олишни тақозо этмоқда. 2008-2012 йилларда Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган ҳаракат дастури доирасида бу борада ўз ечимини кутаётган долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда Табиатни муҳофаза қилиш республика жамғармаси, вазирликлар, идоралар, корхоналарнинг ва ташқи инвестиция маблағларидан ҳам фойдаланилаётган.

Ушбу чора-тадбирлар амалга татбиқ этилиши натижасида ҳавога ташланаётган ифлослантيرувчи моддалар қарийб 23 минг тонна камайди, 32 мингдан кўпроқ автотранспорт воситаси газ ёнглиғига ўтказилди, ўттиз километрга яқин темир йўл электрлаштирилди. Тошкент вилоятининг Янгийўла кўрғони ва Наманган вилоятининг Поп туманидаги зарарланган ерларда дезактивация ва рекултивация ишлари бажарилиди. Олмалик шахрининг саноат минтақаси, Пскент тумани аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

— Тошкент вилояти мамлакатимизнинг саноати ривожланган ҳудудларидан биридир, — дейди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Холғура Сувонов. — Шу боис амалга оширилаётган экологик тадбирлар жараёнида саноат корхоналарининг соф ривожланиш механизми асосида ишланишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу йўналишда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури доирасида Бекобод металлургия комбинатида чиқиндиларни кескин камайтирадиган усул қўлашга қаратилди. Темир ишлаб чиқарадиган бўлимда зарарли чиқиндиларни қайта ишловчи янги цех қурилади. Натижада йилга 150 минг тонна захарли моддаларни қайта ишлаш имконияти яратилди.

Вилоятдаги “Махсам-Чирчиқ” корхонасида ҳам ана шундай мақсадларга хизмат қиладиган лойиҳа бўйича иш олиб бориламоқда. Бу йўналишда 627 минг доллар ўнлаштирилиб, зарур жиҳозлар ўрнатилди. Янги Ангрен иссиқлик электр станциясида корхонанинг электр фальтларини модернизация қилиш бўйича бажарилаётган тадбирлар ҳам келгусида юксак самаралар беради.

Табиатни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш халқаро ҳамкорликни талаб этади. Бу жабадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида мамлакатимиз қатор халқаро конвенцияларга қўшилган. Халқаро ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда қўлаб экологик лойиҳалар амалга оширилмоқда. БМТнинг Тараққиёт ва Атроф-муҳит дастурали билан ҳамкорликдаги ҳавонинг озон қатламига қарар етказадиган моддалардан фойдаланишни тўхтатиш, институционал ва ташкилий салоҳиятни мустаҳкамлаш сингари лойиҳа ва дастурлар бунга мисолдир.

Глобал экологик жамғарма мутахассисларидан тузилган миссия ўтган йили мамлакатимизга ташриф буюриб, ана шу йўналишдаги лойиҳалар бўйича бажарилаётган ишларни ўрганди. Миссия аъзолари бўйича бўлиб ўтган тадбирда хорижлик экспертлар Глобал экологик жамғарма томонидан молиялаштирилган ушбу лойиҳалар бўйича мамлакатимиз самовий натижаларга эришаётганини, бу борада орттирилган тажрибадан атроф-муҳит муҳофазаси бўйича бошқа минтақаларда олиб борилаётган дастурлар фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланиш яхши самара беришини эътироф этди.

Баҳор ХИДИРОВА,
Ўза муҳбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Электрон ҳамён: қулай ва фойдали

< [1]

Қарорга биноан тегишли савдо ва хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ ва боғхона тўловларини тўлашда берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2012 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди. Банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари рўйхати кенгайтирилди.

Мазкур қарорга мувофиқ, қуйидаги савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида тўлов терминали бўлиши лозим: авиация, темирйўл, автотранспорт чипталарини сотиш кассалари, автомобилларга ёнида қўйиш шохобчалари, меҳмонхоналар, кредит ташкилотлари (кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар), суғурта ташкилотлари ва молия бозорининг бошқа субъектлари, тургун савдо мажмуалари, шу жумладан, дорихоналар (эгалмаган майдони қанча бўлишидан қатъи назар), умумий овқатланиш объектлари, уй-жой коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар ҳузурида очилган аҳолидан тўловларни қабул қилиш шохобчалари, телефон, шу жумладан, мобил алоқа хизматлари учун тўловларни қабул қилиш, аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қабул қилиш шохобчалари, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари, алоқа бўлимлари, маиший хизмат кўрсатиш ва оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш объектлари.

Ушбу савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари раҳбарлари тўлов терминаллари билан узлуксиз ишлашни таъминлашлари шарт. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида амалда оширилётган бундай чора-тадбирлар тўловлар учун ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалда ошириш тизими ва ундан фойдаланиш қўламлиги янада орттиришга хизмат қилмоқда. Муомаладаги пластик карточкалар сони тобора кўпаймоқда. Кишлоқ жойларда ҳам пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш учун зарур шароит яратилмоқда. Аҳолининг ушбу тўлов воситасига бўлган қизиқиши, унинг қулай ва фойдали эканлигига ишончи ортмоқда.

— Банк пластик карточкасининг нақд қулайлиги, афзал томонлари ҳусусида мисоллар асосида кенгроқ маълумот берсангиз.

— Пластик карточка харид қилинган товар ва кўрсатилган хизмат учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг замонавий, энг муҳими, ишончли воситасидир. Яъни, банк сизга ҳисоббарча очган ҳолда пулнингизни пластик карточкага туширади ва у орқали тўлов учун пул қўйириш амалиёти бажараверасиз.

Аввало, ҳисоб-китобларнинг тезкорлигини таъкидлаш зарур. Пластик карточка сизнинг навбатда туриб ёки касса олдига нақд пулнингизни бир неча бор санашга сарфланмаган вақтингизни тежайди, шунингдек, ҳар қандай масофада ва исталган вақтда тўловни амалда ошириш мумкин.

Қарточка ҳисоббарчада турган пуларнингизга ҳисобланадиган фойз кўринишида қўшимча даромад оласиз. Ҳозир тижорат банклари томонидан пластик карточкалардаги маблағларга энг қамда йиллик 14 фойз устама ҳақи тўланмоқда. Пулни йўқотиб қўйиш, ўғирлатиш ёки уларни санадаги хатолар билан боғлиқ хатолар пластик карточка орқали амалда оширилмайдиган муомалада рўй бермайди.

Пластик карточкалар ҳисоб-китобларни амалда оширишда фойдаланиладиган ахборотни ўзида сақлаб қолади. Махсус ускуна ёрдамида пластик карточкадаги пулнинг ҳаракати тўғрисида бир неча сонияда маълумот олиш мумкин.

Пластик карточка, берилган ҳудуд ва тижорат банкидан қатъи назар, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари ва тижорат банкларида амал қилади. Энг муҳими, олий ҳақли пластик карточкада олаётган фуқаро меҳнат таътилида ёки хизмат сафарига бўлса ҳам у иш ҳақини исталган тижорат банкида ўрнатилган касса терминаллари орқали олиш имкониятига эга бўлади.

Этибор қаратадиган бўлсак, пластик карточкалар нафақат товар харид қилаётган ёки кўрсатилган хизматга ҳақ тўлаётган фуқароларга, балки ҳўжалик юртдаги субъектлар учун ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини соддалаштириди ва широк даражада мамлакатда тўлов интизомини янада мустаҳкамлайди.

— Терминаллар ўрнатилган супермаркетлар ва катта-кичик дўканларда баъзи махсуслотларнинг нархи бошқа жойлардан қўлматроқ бўлиши мумкин. Бундай товарларни, айниқса, кишлоқ ҳўжалик махсуслотларини бозордан нақд пулга харид қилиш нисбатан арзон. Айтинчи, бозорларга терминаллар ўрнатилган қандай муаммо ва қийинчиликлар мавжуд?

— Шу ўринда таъкидлаш лозимки, пластик карточка асосида ҳисоб-китобни амалда оширишда ҳеч бир фуқаронинг ўзи истаган савдо объектларидан харид қилиш эркинлиги чегаралаб қўйилмайдиган. Ҳар бир пластик карточка эгаси ўз эhtiёжини қондириш учун ўзи истаган савдо мажмуасидан хоҳлаган товарни сотиб олиши мумкин. Агар мажмур савдо объектларида терминаллар ўрнатилмаган бўлса, пластик карточкадаги маблағларни пластик карточка эгалари банк кассаларидаги терминаллар ёки банкоматлардан нақд пул олиш орқали харид қилишлари мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда пластик карточка эгаларига қулайликлар яратиш мақсадида, тижорат банклари томонидан деҳқон бозорларида ташкил этилаётган ярмаркаларда терминаллар ўрнатилган. Бу жараён давом этмоқда.

— Пул пластик карточкадан тўланаётгани бонс сотувчи товарга устама фойз қўйиш мумкинми?

— Устама ҳақ олишга ҳеч қандай ҳақи йўқ. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан Давлат солиқ қўмитаси томонидан биргаликда ишлаб чиқилган «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалда оширишда уларни қўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига кўра, банк пластик карточкаларга орқали тўловлар амалда оширилганда товарлар (ишлар, хизматлар) нархи асосан равишда оширилмайдиган бўлиб қўйилмайдиган.

Янги иш ўринлари кўпаяди

Кейинги йилларда Чимбой туманида саноатнинг жадал ривожланиши аҳоли турмуши фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, ҳудуддаги «Чимбойдон» ва «Чимбой» сингари корхоналар ва қурилиш муассасалари аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда муҳим вазифаларни бажармоқда. Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида доимий иш ўринларини яратиш аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг муҳим омидир. Зеро, ҳукуматимиз томонидан 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида ҳам иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш ҳамда аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу боис, туманимизда 2010 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилиб, жами 2960 та янги иш ўрини ташкил этиш режалаштирилди. Бунга амалда оширишда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини кенгайтириб 1168 та, фермер ҳўжалиқларини ривожлантириб 832 та, касалачиликнинг барча турларидан 568 та, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобидан 125 та иш ўрини ташкил этиш белгиланган. Шунингдек, туманда тасдиқланган дастурга қўшимча 900 та янги иш ўринини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Дастур ижросини таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Шунинг учун туман ҳокимлиги, «Маҳалла» ҳайрия жамғармасининг туман бўлими, «Қамолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман прокуратураси билан ҳамкорликда жорий йилнинг март ойида икки марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тадбирда туман ҳудуддаги 75 та корхона, муассаса ва ташкилотлар фаол иштирок этди. Аҳамиятли томони шундаки, ярмарка орқали ишга жойлаштирилган фуқароларнинг аксариятини ёшлар ташкил этди. Шунингдек, яқка тартибдаги ёрдамчи ҳўжалиқларда қорвачиликни ривожлантириш бўйича марказимиз инспекторлари томонидан 291 та оилада мониторинг ишлари юритилди. Натижада 111 нафар фуқародан меҳнат дафтарчаларини юритиш бўйича келиб тушган мурожаатлар қаноатлантирилди. Қора мол сотиб олиб, иш бошлашни хоҳловчилар учун 57 та оилага 35 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар бериш режалаштирилди. Эътиборлиси, жорий йилнинг бошидан буён иш сўраб мурожаат этган 618 нафар фуқародан 577 нафари ишга жой-

лаштирилди.

Бундан ташқари, чекка кишлоқ, маҳалла ва овуларда касалачиликни ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар амалда оширилмоқда. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, 67 касалачилик иш ўринлари билан таъминланди. Ўтган даврда янгидан ташкил этилган касалачилик томонидан 3 миллион 510 минг сўмлик махсуслот ишлаб чиқарилгани касалачиликнинг аҳамияти ортиб бораётганидан далолатдир.

Айтиш жоизки, касалачиликни ривожлантириш борасида, айниқса, «Чимбойдон» ва «Чимбой» ҳиссадорлик жамиятлари бошқаларга намуна бўлмоқда. Яъни мазкур корхоналарда касалачиликга ўз вақтида буюртмалар берилиб, улар маош ва меҳнат стаж билан таъминланаяпти. Марказимиз мутахассислари корхоналарга меҳнат шартномаларини тузиш бўйича яқиндан ёрдам кўрсатишга интилишмоқда. Чунки янги иш ўринлари нафақат аҳоли турмуши фаровонлиги, балки мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг ҳам муҳим омидир.

Аллавазар ТОРЕБАЕВ,
Чимбой туманининг бандликка
қўллаб-қувватлаш ва аҳоли ижтимоий
муҳофаза қилиш маркази директори.

ЙИГИН ФАОЛЛАРИ


Мурожаатлар эътиборсиз қолдирилмайди

Бугун қайси бир маҳаллага борманг, маҳаллий аҳамиятга доир муаммолар, фуқаролар мурожаатлари шу ернинг ўзида ҳал этилаётганига гувоҳ бўласиз. Бу, албатта, маҳалла аҳолисининг йиғини, унинг мутасаддиларига бўлган ишончини янада орттираётди.

Эътиборлиси, қўлаб йиғин мутасаддилари юзата келадиган айрим муаммо ва камчиликларни четта чиқармасдан, маҳалла фаоллари аралашуви билан бар-тарф этишга оdatланишган. Ана шундай намуналар маҳаллалардан бири «Бинокор» пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган.

Аҳоли йиғин мутасаддиларига бежиз мурожаат қилинмайди. Боиси, фаоллар доимо аҳоли мурожаатлари ва муаммоларини ҳал этишга тайёр. Энг муҳими, маҳалла оқсоқоли У.Ҳайитбоев тозалик, тартиб-интизомга рия қилишга оdatланган. Бу ҳаракати билан маҳалладошларига ҳам ўрнак бўлаётди.

Маҳалла фаоллари ҳудудда қурилган савдо дўканлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ноқонуний



© фото-Носир Хайдаров

фаолият кўрсатишига эътиборсиз эмас. Йиғин раиси ташаббуси билан маҳаллада савдо-сотиқ фаолиятини юргизаётган айрим ноқонуний дўканлар фаолиятига чек қўйилгани фикримиз исботдир. Шунингдек, кўп қаватли уйларнинг атрофида қурилиш-архитектура қондаларига зид равишда қурилатган объектлар ҳам назоратга

олинган.

Бир сўз билан айтганда, «Бинокор» маҳалласи мутасаддиларининг юзата келадиган муаммоларни бартаф этишдан кўра, унинг олдиди олиш борасида тўлаған тажрибаси бошқаларга ўрнак бўлишга арзинулки.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ,
«Mahalla» мухбири.

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

Файз-барака, тўкинчилик меҳрдан

Яккабоб туманининг Тўқбой кишлоғига кириб боришингиз билан қуюқ даракторга қўзингиз тушади. Кишлоқ оралаб юраверсангиз ҳайратингиз янаям ортади. Чунки қароқўлларнинг ҳамаи бир хил — тол. Йўл ва кўча бўйларида, хонадонларда ҳам асосан шу даракторни учратасиз. Аҳолининг ҳолда ихлоси бунчалик баланглиги сизни ажаблантириши табиий. Ҳатто толинги бирор ҳосияти бормикан, деб ўйлайсиз. Кейин эса кўпчилик хонадонларнинг дарвозаси олдига қатор қилиб тегиш қўйилган катта-кичик таёқлар, аниқроқ қилиб айтганда бўласак, дасталар эътиборингизни тортади. Энди жумбоғимизни еча қолайлик.

Тол дарактор кишлоқ аҳлининг асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади. Улар ана шу дарактор новдаларидан иш қуроли — бел, кетмон, болта, теша, ўроқ дасталари ясаб, сотишади. Тўқбойликларнинг ҳунармандчилик махсуслотларига ҳамиша талаб бор. Дасталарини бошқа вилоятлардан ҳам келиб олиб кетишади. Махсуслотлар ишчи-пухталиги, чидамлилиги, сифат даражасининг юқорилиги билан ажралоиб туради. «Ота-боболаримиздан қолган ҳунар бу, — дейишади тўқбойликлар. — Фақат ҳозир бу ҳунар замонавийлашган, яъни олдиди дасталар қўлда ясалган бўлса, эндиликда уларни ясада дастохлардан фойдаланяптимиз».

— Ҳозир ҳар икки хонадоннинг бирида даста ишлаб чиқарадиган ускуна бор, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Фармонова. — Дастохни одамларимизнинг ўзи ўйлаб топган. Бизда бир яхши одат бор. Кимдир, қандай-

дир ташаббус билан чиқса, ҳамма қўлаб-қувватлайди. Биргалашиб яхши, ёмон ёки фойдали жиҳатлари ўйлаб қўйилади. Кейин эса бири бирини тўлдириб, яхши бир ечим топишади. Дастох ҳам худди шу йўл билан ўйлаб топилган.

Ёғоч, новда билан ишланадиган жой бироз бесаранжомроқ бўлади, одатда. Аммо қишлоқ хонадонларига кирсангиз сараңжом-сарипталиқни кўриб, бу ҳовлида ёғочта ишлов берилаётганига ишонгиз қилмайди. Новдага ишлов берадиган, қуридадиган қурилмаларни кўриб, тўғриси, чекка бир кишлоқ одамларининг ақлу заковатига қойил қоласиз. Айтишларича, бу қурилмалар ёрдамида қийишқ новдаларни тўғри ҳолатга ва ҳар хил қўринишга келтириш мумкин экан. Қишлоқнинг 70 фойз аҳолиси дастачилик билан шуғулланади. Шундан 50 фойзи даста ишлаб чиқарса, 20 фойз аҳоли уларга новда етказиб беради.

— Янги экилан тол ниҳоли икки йилда даста тайёрлаш учун тайёр бўлади, дарактор новдалари биринчи марта кесиб ташланади, шундай қилинса, новдалар сони кўпаяди, — дейди уста Норқул Қўчимов.

Қишлоқда дастачилик билан оилавий шуғулланишади. Норқул Қўчимовлар оиласи ҳам даста ишлаб чиқаришга таниш кўп йиллар бўлди. Оиланинг ҳар бир аъзоси бор ишдан четда қолмайди. Ота-боболарининг ҳунарини меҳр билан ўрганишади. Шу тариқа бу ҳунар авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Яқинда кишлоқда яна бир ташаббус йўлга қўйилди. Таши узокдан бошлайдиган бўлсак, Тўқбой кишлоғида балиқ-

СЕРВИС ХИЗМАТИ



Чорва сифатига эътибор

ЁЗЕВОН туманининг Ёзевон кишлоқ зооветеринария шохобчаси томонидан кейинги йилларда чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш борасида бир қатор ибратли ишлар амалда оширилмоқда. Натижада кишлоқ аҳолисининг гўшт ва сут, туҳум махсуслотларига бўлган талаби қондириляпти.

— Сўнгги йилларда Ёзевон кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги хонадонларда йирик ва майда шўхли чорва моллари сони кўпайиб бормоқда, — дейди Ёзевон кишлоқ зооветеринария шохобчаси мутахассиси Салимжон Ҳошимов. — Масалан, айни кунларда кишлоқ хонадонларида 2339 бош қорамол, шу жумладан, 1167 бош соғин ситир, қўй-қўзи, парранда мавжуд. Молларни турли касалликларга қарши эмлаш, бу борада аҳоли ўртасида тушунтуриш, тарбият ишларини олиб бориш шохобча ходимларининг қўлалиқ ишига айланган. Натижада чорвачилик орқасидан оилалар қўшимча даромад олишмоқда, аҳоли фаровонлиги ошмоқда.

Айтиш керакки, мазкур шохобчада ситирларни сунъий уруғлантириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Масалан, 2010 йилнинг бошидан буён шохобчада 260 бош ситир урчигилди. Бундан ташқари, шохобча мутасаддилари йилнинг охирига қадар 900 бош ситирни сунъий йўл билан уруғлантиришни режалаштирган. Ветеринария хизматини кўрсатиш бйртна Ёзевон кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда эмас, балки бутун туманда ҳам талаб даражасида амалда ошириб келиняпти.

Ҳа, Ёзевон туманида чорва молларини қўлайитириш, улар зотини яхшилаб, махсусдорлигини ошириш муҳим вазифалардан бирига айланган. Бундан қўзланган асосий мақсад эса бозорларимизда чорва махсуслотларининг серобилигини таъминлаш ҳамда аҳоли истеъмоли учун сифатли гўшт ва сут махсуслотларини етказиб беришдир.

Азамат МАХМУДОВ,
«Mahalla» мухбири.

кунларда кишлоқ тадбиркорлари Асқар Худойкулов ҳамда Рустам Қосимов ҳам кишлоқда балиқчиликни ривожлантиришга бел боғлашган.

— Уларга ҳам туман ҳокимлиги қарор чиқариб берди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Фармонова. — Бу ишга Баҳриддин Сафаров деган фуқаромиз ҳам қизиқиб қолган. Олдин Баҳриддин балиқ олиб келиб, ошхонада тайёрлаб сотар эди. Энди ўзи балиқ етиштироқчи. Яна бир томонини сизга айтиб қўйай. Балиқчилик ва дастачилик билан шуғулланган тадбиркорларимиз жуда ҳимматли. Бироз қўйналиб қолган оила ёки ёлғиз қарияларга доим ёрдам бериб туришади.

Қўпдан буён балиқчилик билан шуғулланиб келаётган Умрқоз Қосимов касалмада бўлиб қолган кишлоқдоши Холбой Ўриновни ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қўлаб-қувватлаб келаётган экан. Уйини таъмирлаб берибди. Энди ҳовлиси атрофини ўраб бермоқчи. Бу ҳайри ишни бошқа тадбиркорлар ҳам давом эттириб, кимдир бир нопиронга аравача олиб берган бўлса, бошқа бири ёлғиз қаровисчи йўқ қариянинг уйини шиферлашда ёрдам кўрсатмоқда. Хуллас, кишлоқда интилиш, ташаббус ва тадбиркорликдан ташқари яна бошқа бир устунлиқни кўрасиз. Бу меҳр-оқибат, қадар-қиммат, ҳам-жизатлик ва ҳамфиқриқ. Ана шу жиҳатлар кишлоқ одамларини бир-бирига қўринмас ришталар орқали боғлаган. Балки кишлоқдаги файз-барака, тўкинчиликнинг боиси ҳам шундадир.

С.БОЙМУРОДОВА,
«Mahalla» мухбири.

ФАОЛИЯТДАГИ ФАОЛЛАРИМИЗ

Маҳалланинг ўрни беқиёс

Жиззах вилоятининг сўлим масканларидан бўлган Зомин туманида истиқлол йилларида улкан ишлар амалга оширилди.

Туманимизда қарийб 136 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 89 мингта яқинини ёшлар, 72 минг нафардан зиёднни аёллар ташкил этади. 13 та миалат ва элат вакилларининг бир оила фарзандларидек аҳил ва фаровон ҳаёт кечиришда маҳалланинг ўрни беқиёс.

Зомин ўзининг бетакрор табиати билан бошқа туманлардан ажралиб туради. Пасттексиклик, қир-адир ва тоғлардан иборат туман ҳудуди денгиз сатҳидан 300 дан 2500 метргача баландликда жойлашгани учун ҳам унинг иқлими турлича. Туман аҳолиси, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади.

Туманда Даштобод шаҳри, Зомин шаҳарчаси ҳамда 12 та қишлоқ фуқаролар йиғини бўлиб, улар таркибиде яна 24 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Халқ ҳўжалигини бошқаришда маҳаллаларнинг роли ортиб бораётгани ҳисобига туманда ҳашар йўли билан амалга оширилаётган ишлар кўлами йилдан йилга кенгаймоқда.

"Маҳалла" жамғармаси туман бўлими-си ҳамкор ва ҳўмий ташкилотлар билан яқин алоқа боғлаган. 2009 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллалар оралиғидаги 31 километрни ва туман марказини Даштобод шаҳри билан боғлайдиган 22 километрни йўл таъмирланди, 9 километр узунликда янги газ қувури тортилиб, истеъмолчиларга ётказиб берилиши ҳисобига туман аҳолисининг газдан фойдаланиши кўрсаткичи 90 фоизга етди.

Маҳаллалар ташаббуси билан янги бовроқлар барпо этилмоқда. "Истиқлол" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси М.Ҳайдаров бошлаган ташаббусни фаоллар кўллаб-қувватлашди. Натижада бу ердаги боз 3 гектарга кенгайди. Бундан икки йил олдин ўтказилган мевали дарахтлар ҳосилга кирди.



"Лайлакуя" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудиде 3 минг туп мевали дарахт ўтказилиб, уларнинг парваришига эътибор қўйилди. Зомин шаҳарчасидан Даштободгача бўлган йўл бўйига ўтказилган 68 минг туп мевали ва манзарали дарахтларнинг тўла амал олишига эришилди.

Аҳоли кўргонларида иссиқхоналар қуришга катта эътибор қаратилмоқда. Туман марказидаги С.Раҳимов номидаги ва "Боғишамол" маҳаллалари иссиқхоналарида етиштирилаётган лимон, помидор ва бодиринг бозорларимизда арзон нархда сотиляпти. Айни чоғда гулчилик ҳам ривож топти. Асал етиштиришга ихтисослашган жамоаларнинг таркиби топаётгани бу соҳа ишини жонлантиряпти. Бугун Зоминга асал ва шифобахш гиёҳлар харида қилиш учун келаётганлар сони кўпаймоқда.

Туман марказидаги С.Раҳимов номидаги маҳалла кўрғониде қад ростлаётган 15 та замонавий уй-жой қурилиши мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасиде ниҳоясига етказилиб, ҳудуде янги

шаҳарча барпо бўлади. Йил охиригача шундай уйлардан яна ўнтаси қурилиб, эгаларига топирилади. Бунинг учун "Агробанк"нинг туман филиали етарлича кредит ажратган.

Тумандаги кам таъминланган оилалар ва ёрдамга муҳтожлар доимий равишда моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Наврўз байрами арафасида 243 та эҳтиёжманд оилага 3 миллион 795 минг сўмлик ёрдам кўрсатилади. 400 минг сўмлик озиқ-овқат махсулотлари тарқатиб берилади. 32 та кам таъминланган оилага ҳўмийлар маблағи ҳисобидан бир бошдан ситир ҳада қилинди. Жамғарма-миз "Оби-ҳаёт" қишлоғи фуқароси, кам таъминланган Зокир Усмонов хонадонига бир бош ситир сотиб олиб берди. Ўтган йили тумандаги 64 та оила ситирли бўлган, шунинг тўрттаси жамғарма-нинг туман бўлими-си томонидан олиб берилганди.

Ёлғиз қария ва ногиронларнинг 2387 квадрат метр уй-жойлари бутланган бўлса, иккинчи жаҳон урушида эришил-

ган талабининг 65 йиллиги арафасида 12 нафар уруш ва фронт орти қатнашчиларининг ҳўли-жойлари таъмирлаб берилди. Иккита никоҳ ва хатна тўйи ҳам туман саховатпешалари ҳисобидан ўтказилди. Бунинг учун жамғарма ва ҳўмийларнинг 3 миллион 100 минг сўмлик маблағи ишлатилди. Наврўз байрами тадбирларини ўтказиш учун эса 3 миллион 700 минг сўмлик маблағ сарфланиб, кам таъминланган оилаларга мурувват ёрдами кўрсатилади.

Кейинги йилларда йиғин оқсоқоллари кўмағига таяниб Хотин-қизлар, айнақса, Ёшлар билан ишлаш комиссиялари ишини жонлантиришга эришди. Яраштириш комиссияси фаолиятини яхшилаш эвазига оилалар тотувлиги таъминланяпти. Профилактика нозирлари ва посбонларнинг ишга масъулият билан ёндашиши туфайли туманда ҳўқуқбузарлик ҳўлатларига деярли чек қўйилди.

Пўлат ТОҶИБОВ,
«Маҳалла» жамғармасининг Зомин тумани бўлими-си бошқаруви раиси.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Маслаҳат кенгаши ҳар ишда бош-қош

МАҲАЛЛАМИЗДАГИ Ўзбекистон кўчасига асфальт ётқизилганидан сўнг ҳудуде кўчаси янада чирой очди. Бу Баркамол авлод йилида кўзде тутилган режаларимиздан бири эди. Йўлнинг таъмирланиши ҳудудимиздаги боғча, 3-умумтаълим мактаби, тиббиёт коллежи ўқитувчиларию ўқувчиларига, маҳалладошларга қўлайлик яратди.

Маҳалламизда икки мингдан зиёд аҳоли яшайди. Ўн учта кўча бор. Ана шу кўчаларда истиқомат қилувчи оқсоқолларни, кўча бошиларни, тадбиркорларни бу ишга жалб этдик, маслаҳат кенгашини уюштирдик. Кенгашга тадбиркорлар тақлиф этилиб, йиғин фаоллари билан ҳамкорликда иш-лашни тақлиф қилдик. Ёнг муҳими, бу борада тадбиркорларга солиқ тўлашда имтиёзлар берилиши таъкидланди. Бунга рози бўлган тадбиркорлар ҳар қандай хайрли ишдан четда турмасликларини айтишиб, ҳар байрамда уруш ва меҳнат фахрийлари учун совға-саломлар тайёрлашни ҳам ўз зиммасига олишди.

Маҳалламизда уч юздан зиёд ёш бор. Улар орасидан ишсизларини аниқлаб, фойдали меҳнатга жалб этиш чораларини кўряпмиз. Шаҳримиздаги «Само» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ва бошқа қатор ташкилот ҳамда ишлаб чиқариш фирмалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилгани аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омили бўляпти. Йил бошидан бери ўн икки нафар йигит-қиз «Само» тўқимачилик корхонасига, ўнга яқини маҳалламиз тадбиркори Пўлатжон Бадалов ташаббуси билан ташкил этилган «Иссиқ нон» корхонасига ишга жойлаштирилди.

Оқсоқоллар билан кенгашиб, маҳалладаги ҳўнармандларга йигирма нафардан ортиқ ёшни бириктирдик.

Айни пайтда улар «Устоз—шогирд» анъанаси асосида иморатсоз усталар Неъмат Халилов, Баҳром Ҳайитбоев, моҳир тикувчи Ширмонхон Тўхтасинова, чевар Зарифахон Абдуллаева ва қандолатчи Тошхон Тўлановадан ҳўнар ўрганишмоқда.

Яқинда маҳалламизда «Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш — муҳим вазифа» мавзусида йиғилиш ўтказилди. Тадбирда йиғин фаоллари, тегишли ташкилот мутасаддилари, ота-оналар иштирок этишди. Тадбир иштирокчилари туманда ёшларнинг касб-ҳўнар эгаллашлари учун 6 та касб-ҳўнар коллежи фаолият юритаётгани, шунингдек, коллежларда олий тоифали ўқитувчилар, спорт усталари ёшлар камолоти йўлида меҳнат қилишаётганини мамнуният билан таъкидлаб ўтишди. Мазкур билим юртини битирган ёшларни ишга жойлаштиришда туман ҳўкимлиги, туман бандликка кўмаклашиш маркази мутасаддилари кўмак беришаётганини алоҳида қайд этишди.

Шуни ҳам айтишни истардимки, ҳудуддаги 610 та оиланинг деярли барчаси томорқасидан унумли фойдаланмоқда. Шу боис, бугун ҳар бир оилада ўз эҳтиёжи ва бозор талабларидан келиб чиқиб, узум, полиз экинлари, картошка, пийёз етиштириляпти. Ҳўзирги кунда туман бозорларида қулупнай, гиёс ва сабзавотлар сотилмоқда. Томорқа учун зарур бўлган ўғитларни етказиб беришга маҳалла мутасаддилари бош-қош. Айтиш жоизки, бу каби хайрли ишлар, аввало, хонадонлар, маҳалла, қолаверса, мамлакатимиз ҳаётини янада яхшилашга хизмат қилади.

Тўхтасин АБДУРАШИДОВ,
Андижон вилояти Кўрғонтепа шаҳри Жўмий номидаги маҳалла оқсоқоли.

Тадбиркор кўмағи

МАМАКАТИМИЗДА кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаганидан самарали фойдаланиб, хайрли ишларга бош қўшаётган тадбиркорлар кўллаб топилади. Шундай инсонлардан бири Бувайда туманининг Жалоер қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги Жийдали қишлоғида фаолият юритаётган «Хон» кўп тармоқли фирмасининг раҳбари Сарваржон Тўхтаевдир.

Фирма, асосан, нефть махсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланади. Фирма томонидан 2008 йилда Андижон — Қўқон автомагистрал йўли ёқасида ёқилиш қувиш шохобчаси қуриб битказилган эди. Ўтган йилнинг бошларида туманнинг Бачқир қишлоғида шохобча филиали фойдаланишга топирилади. Уларнинг фаолият кўрсата бошлаши қишлоқдаги 35 нафар кишининг доимий иш билан таъминланишига омил бўлди.

С.Тўхтаев фирма фаолиятини янада кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда Жийдали қишлоғида 5 гектар майдонни ўз ичига олган иссиқхона барпо этди. Натижада қўшимча 33 та янги иш ўрни ташкил қилинди. Бугунги кунга қадар мазкур иссиқхонада помидор, бодиринг каби турли полиз махсулотлари етиштирилади. Ҳўзир иссиқхонанинг 0,35 сотих қисмида лимон кўчатлари ўтказилиб, парваришланяпти. Бундан ташқари, иссиқхонага яқин йўл бўйида махсус дўкон қурилиб, полиз махсулотлари савдоси йўлга қўйилган. Нархларнинг арзонлиги харидорларни мамнун қилмоқда.

2009 йили Жийдали қишлоғидаги 3 километр ички йўллар фирма ҳисобидан тўлиқ асфальтланди, эскириб қолган электр симлари янгиланди ҳамда маҳалла аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бу ишларнинг амалга оширилиши учун шу кунгача 30 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

— Ҳудудимизда жойлашган «Хон» фирмаси кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож оилаларга доимо ёрдам кўрсатиб келади, — дейди Жалоер қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Эркинжон Шокиров. — Ҳар байрамда фирма томонидан ташкиллаштирилган совға-саломлар билан якка-ёлғиз қариялар ҳўлдан хабар оламиз. Ўтган давр мобайнида фирма ҳўмийлигида туман тиббиёт бirlашмасининг болалар бўли-

ми тўлиқ таъмирдан чиқарилади. Шунингдек, фирма билан ҳамкорликда болалар спортини ривожлантириш мақсадида 20 та жамоа иштирокида футбол турнири ўтказилди. Фолиблар раббатлантирилади, тушган маблағ эвазига йўлнинг таъмирланиб, спорт анжомлари билан таъминланди.

Айтиш керакки, Сарваржон Тўхтаевнинг фирма фаолиятини янада кенгайтириш борасида ўйлаб юрган режалари талайгина. Шулардан бири хориж инвестициясини жалб этиб, иссиқхонада етиштирилган ноз-неъматларни қадоқловчи, рақобатбардош озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхонани ишга туширишдир.

— Ўлкамиз турли хил ноз-неъматларга бой, — дейди С.Тўхтаев. — Ҳамма гап ана шу неъматларни тайёр махсулотга айлантириб, хориж бозорларига чиқаришда. Ана шунда юртимиз доврўғини янада ошириш билан бирга валюта тушумини кўпайтиришга ҳам ўз улўшимизни қўшамиз.

Жийдалилик тадбиркор йигитнинг орзулари, дилга туккан эзгу ниятлари бисёр. Уларни амалга ошириш учун тадбиркор истиқлол берган имкониятлардан кенг фойдаланишни режалаштирган.

Азамат МАХМУДОВ,
«Mahalla» мухбири.

Номига муносиб маскан

Йўлингиз пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Аҳил» маҳалласига тушса, шубҳасиз, у ердаги ўзгариш-ни, янги қиёфа касб этган маҳалла гузарини фуқаролар йиғини идорасини, кўча-кўйининг саранжом-сарихталигини кўриб қувонасиз. Супуриб-сидирилган йўлақлар, кўча четларига экилган гуллар, йўлга соя-салқин бериб турган дарахтлар кишининг бахридиллини очади. Айниқса, маҳалла гузарининг дид билан бунёд этилгани, муъжазигина ҳўлидаги ишқомларга тортиб қўйилган тоқ новдалари, барг ёзиб мевага кирган дарахтлар, йўлақлар четигади турфа хил анвойи гулларнинг ҳўшбўй ҳиди кишини ўзига мафтун этади.

— Ҳамжиҳатлик билан ишлашда гап кўп экан, — деб гап бошлади маҳалла оқсоқоли Абдуҳўлиқ Ваҳобов бизни қарши оларкан. — Аввало, тадбиркорларни атрофимга йиғдим. Уларга фуқаролар йиғини идораси маҳалланинг юзи эканини, унга қараб маҳалла аҳлига баҳў беришларини тушунтирдим. Шу тарика, идорани таъмирлаш билан боғлиқ масалаларни келтириб олдик. Ҳеч ким ўзини четта тортмади, кимдир эски ёритиқлар ўрнига янгисини олиб келиб ўрнатди, бошқаси томини тунука билан ёпиш-

га кўмаклашди, хона таъмирини ўз зиммасига олди. Қарабасизки, қисқа вақт ичида сиз кўриб турган мана шу шинаямасканга эга бўлдик. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бугунги кунда, биласиз, компьютерсиз бирор юмушни бажариш мушқул. Шу сабабли, ҳар бир хонага компьютер жамланмасини харид қилдик. Хоналарни ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий мебелар билан жиҳозлаб, зарур анжомлар, керакли адабиётлар билан таъминладик.

Идорадаги 9 та хонада аҳолига намунали хизмат кўрсатиш учун барча имконият яратилган. Хоналарда фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, Хотин-қизлар билан ишлаш, Яраштириш, Ёшлар билан ишлаш комиссиялари аъзолари маҳалла фаровонлиги, осойишталиги, ободлиги йўлида хизмат қилишаётир. Бинонинг бир қисми пиру бадавлат отахонлар учун дам олиш масканига айлантирилган. Ўзини маҳалла фаолларидан деб таништирган Абдувоҳид Умурызқов болалар майдончаси қуриш масаласи бўйича кайвониалару тадбиркорлар иштирокида бўлиб ўтадиган йиғилишга тайёргарлик кўраётган экан.

— Ҳа, айтганча, болалар спорт майдончаси бунёд этиш тўғрисида рухсат

олганмиз, — суҳбатга қўшилди маҳалла раиси. — Маҳалламизда ўндан ортиқ тадбиркорларимиз бор. Улар доим маҳалладошларини қўллаб-қувватлашга тайёр. Жўмадан, Аъзамхўжи Ашуров, Шавкат Абдуазимов, Тоир Эргашев, Асрор Ваҳобов, Дилбар Йўлдошеввалар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ўзларининг беминнат ёрдамларини кўрсатиб келишмоқда. Спорт майдончаси ҳам уларнинг кўмағи билан бунёд этилади, албатта.

Қўвонарлиси, маҳалладаги бошқа бинолар ҳам йиғин идорасидек кўркем қиёфа касб этмоқда. Хўсусан, қайта таъмирдан чиқарилган новвойхона, ҳудуд марказидаги мактаб, тўйхона маҳалла чиройига чирой қўшиб турибди. Бундан ташқари, «Олимакс», «Азна — Вест ЛТД» корхоналарининг фаолият юритаётгани аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга, ҳудудга ўз маҳобати, виқори билан ўзгача фойз киритиб турибди.

Маҳаллада 1200 дан зиёд хонадонда 7,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар ҳеч иккиланмай ҳар қандай муаммо юзасидан йиғин идорасига мурожаат қилишди. Ҳаёт тажрибасига эга кўпни кўрган отахону онахонларнинг панду насихатлари, кўрсатмалари билан



барча масалалар ўз ечимини топмоқда. Маҳалла аҳлининг иноқлиги, бир-бирига меҳрли, оқибатли эканлиги сабабли кўллаб хайрли ишлар амалга оширишмоқда. Хўсусан, жорий йилда ҳудудда 7 мингдан зиёд мевали ва манзарали кўчат экилди, 2 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди, ташландиқ ерлар тартибга келтирилди.

Ҳа, бугун «Аҳил» маҳалласи аҳли бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётгани туфайли маҳалла ҳудуди кўндан-кўнга кўркем қиёфа касб этиб бормоқда.

Нигора ИМОМНАЗАРОВА,
«Mahalla» мухбири.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Ҳўшёрлик бор жойда хотиржамлик бўлади

Яқинда қўчани айланиб юриб, ўзим профилактика инспектори бўлиб хизмат қиладиган «Ичанқалъа» маҳалласида истиқомат қилувчи Розия хола-ни учратиб қолдим.

— Сизнинг оддингизга бораётган-дим, — деди у маънос оҳангда. — Ҳар кун икки-учтадан товўғимни ўғирлаб кетиляпти. Уларни оиламга ёрдам бўлар, дея бўлтур кўзда сотиб олган-дим. Энди туҳумга кираётганди-я...

Қизиқ, бундай ҳол аввал қўзатилмаганди. Маҳаллада ҳамма бир-бирини танийди, улар ўртасида меҳр-оқибат кўчи. Бундай майда ўғирлик кимнинг қўлидан келиши мумкин? Ҳўллас, тахминлар устида ўйлай бошладим. Хола-

нинг қўни-қўшилари бу ишга қўл урмайди, бамаъни одамлар. Лекин охириги пайтларда унинг ўғли Рўстамнинг қўшни маҳалладаги болалар билан юртиқомат қилувчи Розия хола-ни учратиб қолдим.

Шундай қилиб, Рўстамни ёнимга чақириб маҳаллада бўлаётган янгиликлар, келажакдаги орзуларини режалари ҳақида сўрадим. Суҳбатимиз давомида Рўстамнинг нимадандир безовта бўлаётгани сезилди. Ора-сира хавотирланиб, ойнадан ташқарига қараб ҳам кўярди. Қўрилган профилактик чоралар натижасида шу нарса аниқ бўлдики, Рўстам товўқларни қўшни маҳалла болаларига олиб чиқиб бериб турган, бунинг эвазига улар Рўстамни урмас-ликка сўз беришган. Тезкорлик билан

иш юритиб, қўшни маҳалла профилактика инспектори ҳамда маҳалламиз фаоллари билан бу «олди-берди»га чек қўйдик. Ёшларга бундай ишларнинг оқибати хўнуқ туташа ҳақида мисоллар келтириб, тушунтириш бердик. Улар ҳўзир ўз хоталарини тушундишди.

Ички ишлардаги илк фаолиятимни воляга етмаганлар орасида ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимида бошлаганман. «Ичанқалъа» маҳалласига профилактика инспектори бўлиб ишга келганимда менга билдирилган ишончдан мамнун бўлиш билан бирга зим-мамдаги масъулият икки ҳисса ортганини ҳис қилгандим. Профилактика инспектори, аввало, тадбирлар, тўя маросимларнинг тинч ўтишини таъмин-

лаш, маҳаллага бегона одамларнинг нима мақсадда келиб-кетиётганини билиши зарур. Менинг бу вазифаларни амалга оширишимда «Ичанқалъа» маҳалласи фаоллари ва фуқаролар яқиндан ёрдам беришди. Фуқароларнинг сергаклиги, ҳеч бир ҳўлатни ўзибўларчиликка ташлаб қўймаслиги мени қўвонтирди.

Ҳудудда 3000 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Агар бирор муаммо юзга келса, дарҳол маҳалла идорасига мурожаат қилишди. Маҳалла оқсоқоли Собиржон Ҳасанов, посбонлар Мадиёр Солиев, Шоназар Исмоилов ҳамда кўчабошилар билан керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ноўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга ҳаракат қиламиз.

«Ичанқалъа» маҳалласи қадимий ёдгорликларга бой маскан. Шу боис, бу ерга четдан келиб-кетувчилар сони жўда кўп. Юздан зиёд тарихий обида, савдо, маиший хизмат шохобчалари, ўн иккита меҳмонхона кечяо кўндуз зиёратчилар ва аҳоли хизматида. Зиёратга келганларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, тарихий обидаларни кўз қорачиғидек асраш ҳам доим диққат-эътиборимизда. Шунинг учун тўнги наватбатчиликни йўлга қўйганмиз. Қўвонарлиси, ичанқалъаликларнинг дарвозаси доимо очик. Бу эса маҳаллада тинчлик-хотиржамлик барқарорлигидан далолатдир.

Бахтиёр ОТАЖОНОВ,
Хива шаҳридаги «Ичанқалъа» маҳалласи профилактика инспектори.

ФАОЛИЯТ ЭЪТИРОФИ

Соғлом маънавий муҳит
ютуқлар омили бўлмоқда

Турмуш ташвишлари, қийинчиликлар, аслида иродамиз қай даражада тобланиганимиз имтиҳон этиш учун бир сингга ўхшайди. Афсуски, кўпинча ушбу синг олдидан доғдираб қоламиз.

Шарифжон билан Дилдора севишиб, умид билан бир ёстиққа бош қўйишганди. Аммо нима бўлди, учинчи фарзанди туғилгандан сўнг Дилдора оғир дардга чалиниб, тўшакка михланиб қолди. Айни ўйнаб-қуладиган пайтида хотинига қараб, рўзгорнинг юмушларини бўйнига олиш Шарифжонга малол келди. Аёлига айтмаган таъна-маломаат, ҳақорат қолмади. Хонадондаги можаро жанжалга айланиб, маҳаллага етиб келди.

Яраштириш комиссияси аъзолари билан бориб, аҳолини ўргандик. Отанинг ҳар кунги жанжалу харашаларидан фарзандлар кўзида мунг, хонадон эса файзсиз кўринарди. Кетар чоғи, оила соҳибини юзма-юз суҳбатга тортидим.

— Шарифжон, тақдирнинг ўз тоштарозуси бор. Кейин шу пайтгача сизнинг хизматингиздан бўшаган эмас. Энди навбат сизга келибди. Аёлини бу ҳолда ташлаб қўйиш мард кишининг ишимас. Болаларингизнинг кўзига боқинг, қандай қамтин, мунгли. Лоақал уларнинг уволдан қўқринг. Агар шунда ҳам ажралиш ниятидан қайтмасангиз, ихтиёрингиз. Аммо маҳалла оилангизни ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймайди. Бу ҳовли, уй-жойларга аёлинингизнинг ҳам меҳнати сингган. Бунда оилангизнинг ҳаққи кўпроқ.

Сўзимиз кор қилганимиз ёки виждони уйғонганимиз, ҳулас, Шарифжон инсофга кирди. Беморни дори-дармон эмас, эътибор оёққа тургадиган, деганлари рост экан. Тез орада Дилдора ҳам оғир дардан фориғ бўлди. Бутун бу оиланинг тотувликка ҳаммаининг ҳаваси келди.

Уч минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламизда 226 та оила мавжуд бўлиб, айни пайтда улар тинч-тотув ҳаёт кечиришмоқда. Шу боис, сўнгги тўрт-беш йил давомида ҳудудда бирорта ҳам оилавий ажрим содир бўлмади.

Маҳалламиз аёллари ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, репродуктив саломатлиқни таъминлаш, диний матрифат ва маънавий-ахлоқий тарбия

ишларини ташкиллаштириш ҳам доимий диққат-эътиборимизда. Бу борада жорий йилнинг ўтган тўрт ойида йигирмага яқин учрашув, давра суҳбатлари, маданий тадбирлар ўтказдик. Қолаверса, волейбол, баскетбол, стол теннис каби спорт турлари бўйича хотин-қизлар жамоалари тузилган бўлиб, ушбу гуруҳларда иштирок этаётган 20 нафарга яқин аёл вилоят ва республика мусобақаларида маҳалламиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Хотин-қизларнинг жамият ҳаётида фаоллигини ошириш, уларни касаначилик орқали фойдали меҳнатга жалб этишга ҳаракат қилишимиз. Чунончи, ўтган тўрт ой мобайнида туман марказидаги тикучилик цехида 12 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган бўлса, етти нафар аёл ҳудуддаги фермер хўжалиқларида касаначи сифатида ишга жойлаштирилди. Ўтган йили уйда ўтириб қолган хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида ўзбек ва қozoқ миллий кийимлари, сўзана, кўрпа-тўшак тикиш бўйича махсус тўғарак ташкил этган эдик. Ҳозир ушбу хўнарандчилик марказида 22 нафар аёл ҳунар ўрганиб, бевосита иш билан таъминланди. Аҳолига сервис ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш орқали эса 20 нафарга яқин хотин-қиз юмушли бўлди.

Албатта, хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётида фаоллигини ошириш борасидаги бу каби амалий ҳаракатларимиз уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, дунёқарашини оширишга хизмат қилмоқда. Шу боис, сўнгги икки йил мобайнида ҳудудда иш излаб ҳорижга кетиб ёки одам савдоси ҳолатлари кузатилмади.

Йилинингиздаги соғлом маънавий, ижтимоий муҳит эътироф этилмоқда. 2009 йилда фуқаролар йиллиги кенгашининг энг намунали диний матрифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси кўрик-танловни республика босқичида учинчи ўринни қўлга киритишда бевосита юқорида қайд этилган ютуқлар муҳим омили бўлди.

Зубайда АБДУЛЛАЕВА,
Бухоро вилояти Қоровулбозор
туманидаги «Бўстон»
маҳалласи маслаҳатчиси.

ОИЛА — МАҲАЛЛА — МАКТАБ

Бола қизиқишига эътибор

баркамол авлод тарбиясида муҳим ўрин тутати



© фото-Носир Хайдаров

Хар қандай болада бир қобилият бўлади. Фақат уни аниқлаб, тўғри йўналтири олиш керак, дейишда донишмандлар. Ҳақиқатан ҳам, эътибор берсангиз, болаларнинг ҳар бирида ўзига хос жиҳатларини кўриш мумкин. Бирининг ҳисоб-китобга қобилияти бор, бошқасининг эса расм чизишга, шеърингга, тикиш-бичишга, устачиликка қизиқиши балоқд. Спорт эса барчасининг жониди. Агар болаларнинг қизиқишларига ёшларидан эътибор берилса, орзу мақсадимиз бўлган баркамол авлод тарбияланади. Ана шу эзгу ният билан «Оила—маҳалла—мактаб» концепцияси ишлаб чиқилган. Унга кўра, аввало, оилаларда воқия етаётган болаларнинг шарт-шароити, қизиқишлари ўрганиб чиқиладир.

Ота-оналар билан ҳам суҳбатлар ўтказиб, фарзандларнинг қобилиятини юзага чиқаришда нимага эътибор қаратишлари лозимлиги тушунирилади. Зарур бўлса, «рециптор» ёрдамида фойдаланишлари ҳусусида маслаҳатлар беришмоқда. Ахир, қайси ота-она фарзандининг яхши инсон бўлишини хоҳламайди, дейсиз. Натияжалар ёмон бўлмади. «Фарзандида мана шу ҳунар-

га ёки фанга алоҳида қизиқиш бор», деб мурожаат қилувчилар кўпайди. Худди шундай мактабгача тарбия муассасаларида ҳам болаининг қизиқишига қараб машғулотлар ташкил этиладигани бу борадаги ишларини янада жонлантди. Мактабларда тўғараклар фаолияти яхши йўлга қўйилиб, уларга ёшлар жалб этилган. Маҳалла фаоллари ҳам ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, жойларда компьютер савдоҳонлиги бўйича ўқув курсларини йўлга қўйиш билан бирга, турли ўқув-марказлари, дурадгорлик устaxonалари очишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бундай хайрли ишларга тадбиркорлар жалб этилган.

Ёшларнинг спортга бўлган интиқишлари ҳам ортди бормоқда. Маҳалларимиздаги болалар спорт майдончаларини ҳомийлар ёрдами билан таъмирлаш, жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Майдончаларнинг атрофларини обodonлаштириш мақсадида маҳалла мутасаддилари ташаббуси билан ҳашарлар уюштириладир.

«Халқлар дўстлиги» маҳалласидаги спорт майдончаси таъмирталаб бўлиб қолган эди. Баркамол авлод йилида ушбу спорт майдончасини реконструкция қилиш режалаштирилди. Айни пайтда

тадбиркорлар ҳамда маҳалла фаоллари биргаликда бу ишга киришишди. Шуниси қувонарлики, ҳар бир маҳаллада спорт мусобақаларини ўтказиш оммавий тус олмақда. Унда ёшлар билан бирга, катталар ҳам фаол иштирок этишяпти. «Биз оилавий спортчиларимиз» мусобақаси анъанага айланиб бораётганини билан аҳамиятли. Унда иштирок этувчилар сони ҳам кун сайин кўпайиб бормоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг 15-бандида қўзда тутилган «Соғлом оила — соғлом бола» дастури бўйича ҳам қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Айниқса, туғиш ёшидаги аёллар, 14 ёшгача бўлган қизлар ўртасида чуқурлаштирилган комплекс тиббий кўрик ташкил этилди. Паландара, Борбон, Қўйи Оқбой, Жилисус қишлоқ фуқаролар йиллиларида диний матрифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда оилалар иштирокида «Соғлом оила — соғлом бола» мавзусида семинарлар ўтказилди. Семинар давомида

мутахассислар томонидан турли мавзуларда матрузалар ўқиди, давра суҳбатлари ташкил этилди. Ёш оилаларга соғлом турмуш тарзи, репродуктив сало-

матлик, соғлом ондан соғлом фарзанд туғилиши, ҳар бир киши ўзига эътиборли бўлиши ҳақида тушуниришлар берилди. Ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиллиларида ФХД ёшлар билан ҳамкорликда «Ёш оила мактаблари» ташкил этилган. Уларда ҳафтада бир маротаба тадбирлар ўтказилиб, ёш оилаларга, шунингдек, турмуш қуриш арасидаги йигит-қизларга тиббий кўриқнинг аҳамияти, оила муқаддаслиги, соғлом фарзанд тарбияси, ичкилик ва гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳусусида маслаҳатлар бериб борилади. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, рўзгорларини тиклаб олишлари учун кўмак бериш борасида ҳам имкон қадар ҳаракат қилинапти. Уларга банклардан имтиёзли кредитлар олиб беришда маҳалла оксоқолари бош-қош бўлишмоқда. 3 нафар ёш оиланинг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди.

Паландара қишлоғида яхши бир таъбаббас йўлга қўйилди. «Маҳалла» жамғармасининг Китоб тумани бўлинимаси ҳамда йигин ҳамкорлигида 20 нафар ёш оила Тошкент шаҳрига саёҳатга олиб борилади. Ёшлар пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишиб, бир олам таассуротлар билан қайтишди. Кам таъминланган, кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади. 2-нафар оилага «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинимаси томонидан қорамол олиб берилади. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш туман бўлими, туман хотин-қизлар кўмитаси, прокуратура билан ҳамкорликда ҳозиргача 4 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.


Шунингдек, оилаларнинг даромадларини ошириш мақсадида томорқалардан унумли фойдаланиш, полиз ва сабзавот маҳсулотлари экишни йўлга қўйиш борасида ишчи гуруҳи ташкил этилди. «Агробанк» туман бўлимининг кўмагида йўлга қўйилган кўча дўконлар орқали аҳолига уруғлик кўчат етказиб берилади. Бутунги кунда хонадонларнинг томорқаси обод, эртанги полиз ва сабзавот маҳсулотлари даромад келтира бошлады.

Дилфуза ҚОДИРОВА,
«Маҳалла» жамғармасининг
Китоб тумани

бўлинимаси бошқаруви бош мутахассиси.

ТАДБИР

Якуний машғулоти ўтказилди



ПОЙТАХТимизнинг Юнусобод тумани ФХД ёшлар қўшида ташкил этилган «Оила — жамият талғачи» мактаби 3 йилдирки, тумандаги 5 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежи ва академик лицей талабаларини ҳамда никоҳланган бўсағасидаги 200 нафардан зиёд йигит-қизни оила қуришга тайёрлаб келмоқда. Кунги кеча Тошкент педиатрия тиббий институти қўшидаги академик лицейда ушбу мактабнинг 3-ўқув йилидаги якуновчи машғулоти бўлиб ўтди. Машғулотлар матруза тинглаш, савол-жавоб, баҳс-мунозара тарзида ташкил этилди.

— Мактабимиз фаолиятининг асосий мақсади балоғат ёшидаги йигит-қизларни оилага, мустақил ҳаётга тайёрлаш,

уларнинг маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, шаръий ва ҳаётий билимларини оширишдан иборат, — дейди Юнусобод тумани «Оила» маркази раҳбари Адиба Камолова.

Ўқув-машғулоти давомида тингловчилар Оила кодекси, Ўзбекистон Президентининг шу соҳага оид фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва дастурлари билан яқиндан танишишди. Шунингдек, машғулотида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, туман маънавият тарбиот маркази ва бир қатор ташкилотлардан вакиллар иштирок этиб, ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Машғулоти сўнгида фаол тингловчиларга сертификат ва сўлам совғалари тошширилди.

Мухбиримиз.

МУҲИМ ТАСВИЯЛАР

Оилавий ажрим: сабаблар ва сабоқлар

Сўнгги пайтларда кузатилаётган оила муаммолари, ёш оиланинг бузилиб кетишининг сабабларидан бири шартий никоҳ билангина чекланган оилаларнинг пайдо бўлаётганидир. Айтиш жоизки, қонуний никоҳдан ўтмай оила қуриш қўллаб-иқтисодий муаммоларини ҳам келтириб чиқаради, яъни:

- оталикни белгилаш ҳолатлари қўллаб кетади;
- ёлғиз оналар сони ортади;
- онанинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлади;
- никоҳ ёшнинг қисқартириш ҳолатлари ортиши мумкин;
- қўшотинлик ҳолатлари пайдо бўлиши мумкин;
- эркакларнинг оила ва никоҳ деган тушунчаларга муносабати кескин ўзгаради, уларда эриқ, оталик масъулияти камаяди;
- оилалардаги маънавий муҳит бузилади ва бунинг оқибатида турли салбий оқибатлар юзага келади.

Шу ва қоза сабаблар қаторида оилавий ажримлар қонуний никоҳ қайда этилган ҳолатларда ҳам ўсиш тенденциясига эга эканлиги айни ҳақиқат. Биз айрим ҳудудларда судлар орқали ажримлар сонининг

ортиб бораётганини таҳлил қилганимизда, уларнинг асосий сабаблари қаторида қуйидагиларни аниқладик:

- йигит ва қизларнинг оилавий ҳаётга, шунингдек, айрим ота-оналарнинг қайнаналик ва қайнаталикка руҳий тайёр эмаслиги;
- муроса қилиш одобининг шаклланимаганлиги;
- тўй-ҳашамлар билан боғлиқ можароларнинг ёш оила тақдирига таъсири;
- оиланинг ўз иқтисодий муаммоларини ўзи мустақил ҳал қила олмаслиги;
- саломатлик омили (тиббий кўрикдан ўтмаслик, келинчақ саломатлигининг яхши эмаслиги, фарзанднинг хасталикка чалиниши, нопиронлик ва ҳоказо);
- қайнана-келин муносабатларининг ёмонлиги;
- эрининг ҳунар ва ишга эга эмаслиги, оилада аёлининг ягона рўзгор тебратувчи бўлиб қолиши;
- қўшотинилик, норасмий никоҳлар;
- рашиқ, хиёнат;
- расмий никоҳнинг йўқлиги;
- бепушлик ва бошқа сабаблар.

Демак, сиз ҳам юқоридаги каби ўз ма-

ҳаллангизда нима сабабдан оилалар бузилаётганини дафтарингизга қайда эдингиз ва ҳуласа чиқаринг. Чунки бундай ҳолатлар сизнинг ҳудудингизда ҳам тақрорланиши мумкин. Унинг олдини олиш учун эса сабабни билиш ва профилактик ишларни кучайтиришингиз лозим бўлади.

Авалло, қизларни эрта турмушга уза-тишининг олдини олинг. Ёдингизда бўлсин: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида йилгилар учун никоҳ ёши 18 ва қизлар учун 17 ёш, деб белгилаб қўйилган. Албатта, бу норманинг киритилишида миллий анъаналаримиз, шу жумладан, никоҳдан ўтмаслик, келинчақ саломатлигининг яхши эмаслиги, фарзанднинг хасталикка чалиниши, нопиронлик ва ҳоказо;

— эрининг ҳунар ва ишга эга эмаслиги, оилада аёлининг ягона рўзгор тебратувчи бўлиб қолиши;
- қўшотинилик, норасмий никоҳлар;
- рашиқ, хиёнат;
- расмий никоҳнинг йўқлиги;
- бепушлик ва бошқа сабаблар.

ган улкан имкониятлардан фойдаланиб, касб-ҳунар коллежларида таълим олиши мумкинлигини ҳаётини мисолларда, ўз тажрибамиздан келиб чиқиб, ҳар бир ёшга ва уларнинг ота-оналарига тушуниришимиз шарт. Ҳунарни бўлғач, қимга турмушга чиқиши лозимлиги тўғрисида ҳам аниқ фикри шаклланиди, оила кўрғонини биргаликда қуришга қўзи етган инсонни танлай олади. Бу ишлар, албатта, маслаҳатчи томонидан жамиятнинг ахлоқ нормалари таъминларини инобатга олган ҳолда ташкил этилса, мақсада мувофиқ бўлади.

Демак, оила — маҳалла доирасида йигит ва қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, маънавиятимизга таҳдид солувчи «оммавий маданият»нинг ёт таъсирларидан асрашда ахлоқий қадриятлардан фойдаланишни билиш керак. Оила — маҳалла тизимидаги ишларни такомиллаштириш, бой ва сермизмун миллий анъаналарни асраб-авайлаш, уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оиланинг мустақиллиги, барқарорлиги таъминланади.

«Мустақам оила — маҳалла талғачи»
китобидан олинди.

«УСТОЗ — ШОГИРД» АНЪАНАСИ

Яратувчанлик — турмуш тарзининг мезони

ПУРВИҚОР Помир тоғларининг ёнбағрида жойлашган сўлим Варзик қишлоғи Наманган вилояти Чуст туманининг обод ва қадимий гушаларидан. Бу заминда азал-азл қадриятларимизнинг бир бўғини бўлган миллий хўнарандчилик йиллар давомида сайқал топиб келмоқда. Варзикда ҳар икки кишининг бири бирор ҳунар билан шуғулланиб, ўз касбининг устасига айланиб. Қишлоқда чилангарлик, сандиқ-солиқ, попопчилик, зардулик каби ҳунаrlар авлоддан-авлодга ўтаётгани боис, «Усто — шогирд» анъанасига қадим қадриятларимиз тимсоли сифатида қарашади.

— Қишлоқимиз номи «тепалик» деган маънони билдиради. Бу ерларнинг табиати фусункор, кўндал кўш чарақлаб нур сочиб турса-да, ҳавоси сақкин, оромбахш. Шундан бўлса керак, қишлоқимиз аҳли меҳнат қилиб чарчамайди, — дейди Варзик қишлоқ фуқаролар йиллини раиси Турсуной Йўдошева. — Худудимизда 4 та мактаб, 2 та болалар боғчаси, 3 та шифохона бор. Аҳолининг кўпчилиги давлат идораларида ишлаш бораберида, хўнарандчилик билан ҳам шуғулланишди. Уй бекалари эса ўз хонадонларида касаначилик ишини юртиб, ўнлаб шогирдларга ҳунар ўргатишмоқда.

Қишлоқнинг «Боло» маҳалласида истикомат қилувчи Инобат Азимова 60 ёши қаршилаганига қарамай, попопчиликда унга тенг келадигани йўқ. Онахон тиккан белбоғ ва сўзана, нақшкор ёстиқ жилдлари ҳар бир варзиклиқнинг уйда бор. Инобат оиланинг 5 нафар қизи ҳам шу ҳунарни устаси.

— Ёшим 16 да эди. Попопчиликка меҳр қўйиб, бутун куч-қайратимни, кўзим нуруни бахш этдим. Шу касбининг орқасидан элда обрў, иззат тойдим. «Хунардан зар унади», деган ҳикматнинг ёрқин ифодасига ўз фаолиятим давомида гувоҳ бўлдим. Фарзандларим ҳам шу ҳунарни ўрганиб, бутунги кунда касбинини давом эттиришяпти. Ҳунарни хосияти кўп. Попопчиликни бошқа ишлардан бекор вақтда бажарса ҳам бўлади. Бир кунда ик-

кита белбоғ тикиб, уни икки ярим минг сўмдан сотилса, бу ўн кунда 50 минг сўм, бир ойда 150 минг сўм қўшимча даромад, дегани. Сўзанами тикиш эса бироз мушкул. Уни битта одам 3-4 кунда тикиб биткази. Маҳалламиздаги хонадонларда тиккан сўзанаю белбоғларини кўриб қувонаман, — дейди Инобат Азимова.

Инобат опа шогирдлари ҳақида сўзлай туриб, Матлуба Тошматова, Қурбоний Ширинова ва қизи Гулчехра Абдуллаевани алоҳида тилга олди.

Варзикнинг яна бир маҳалласи «Янгилик»да сандиқсозлар сулоласининг вакили Ваҳбжон Сатторов ота касбини давом этириб, эл қорига яраб келаятган инсонлардан.

— Бу ҳунарни отам Жўра Сатторовдан ўрганганман. 27 йилдан бугун шу касб билан шуғулланаман. Эндилкида икки нафар ўғлим ҳам шу ҳунарни ўрганмоқда. Асосан, сандиқ ва маҳалламиз аҳли буюртмасига қараб стол-стул, шкафлар ясаймиз. Сандиқни ясашда асосий хомашини қишлоғимиздаги дарактлардан оламиз. Кўпроқ ўрик даракти ёвочидан фойдаланамиз. Ота-боболаримиздан мерос ҳунарининг ривожига ҳисса қўшаётганимдан гуруннанаман, — дейди Ваҳбжон ака.

Ваҳбжон ака сингари 18 минг нафар аҳолига маскан бўлган Варзик қишлоғи шарт-шароити ва ободлиги жиҳатидан шаҳардан қолшимайди.

— Худудимиздаги фойдаланилаётган биноларни таъмирлаб, хўнарандчилик ва касаначилик цехлари очилиши ният қилганимиз, — дейди Турсуной опа. — Яқинда «Ўзалик салоинини ишга туширдик. Ёш йигит-қизлар бу ерда ҳам ҳунар эгаллашмоқда, ҳам ота-оналарига моддий кўмак беришяпти.

Хўнарандчилик, яратувчилик қишлоқ одамларининг турмуш тарзига айланган. Миллий меросимизнинг равақ топишда бу камтар инсонларнинг хизмати бекийс. Улар яратган ижод маҳсуллари эса ўтмиш ва келажак анъаналарини боғлаб турадиган кўприқдир.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Ҳамкорлик самарали кечмоқда

Маҳалламизда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Яраштириш комиссияси тўғрисидаги Низом»да белгиланган қоидаларнинг бажарилиши бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳамкор ташкилотлар томонидан тасдиқланган ва унинг ижроси доимий назоратта олинган. Шу боис, 2009 йилда шаҳар миқёсда ўтказилган «Энг намунали Яраштириш комиссияси» кўрик-танловида ғолиб бўлиб, тадбирнинг вилоят босқичида қатнашдик. Қарангки, вилоят босқичида ҳам ғолибликни эгаллаш бизга насиб этиб, Сирдарё вилояти шарафини республика миқёсда ҳимоя қилиш бахтига муяссар бўлдик.

Маҳалла ҳудудида жойлашган таълим муассасалари — 3 та мактаб, 1 та лицей ва 1 та коллеж раҳбарлари, 12 нафар кўча ва уй бошқарилиши билан биргаликда оқимизда турган вазибаларни бажаришга сидқидилдан киришганимиз туфайли муваффақиятларга эришганимиз. Йил давомида маҳаллаларда яшовчи аҳоли вакиллари билан 12 та учрашув ва давра суҳбатлари ўтказдик.

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчимиз, «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси сардори маҳалладаги барча оилалар муҳитини, мавжуд муаммоларини ўрганиш мақсадида 225 та оиланинг ҳолидан хабар олинди. Фаолларнинг кучи ва ёрдами билан муаммоси бор оилаларга амалий ёрдамлар кўрсатилди.



Маҳалла фуқаролар йиғини қошдаги Яраштириш комиссияси аъзолари ариза ва шикоятлар билан ишлашга жиддий қарашли. Биргина ўтган йили 23 та ажримнинг оқдини олишга муваффақ бўлдик. Нотинч ва кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳомийлар томонидан 20 та оиланинг суннат ҳамда никоҳ тўйларини ўтказишга ёрдам берилди.

Яраштириш комиссиясининг маҳалла фуқаролар йиғинининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси ва ҳудудий профилактика инспектори билан ҳамкорлиги намунали йўлга қўйилган. Уларнинг ҳамкорлиги туфайли маҳалла-

да оилавий зиддиятлар, ажримларнинг олди тўлиқ олинган.

Маҳаллада 52 жуфт никоҳланувчи ёшни тиббий кўрикдан ўтказиш, аҳоли ўртасида балоғат ёшига етмаган қизларни турмушга узатиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳамда ногиронлиги ва унинг оқибатини олишга ҳам жиддий аҳамият берилмоқда. Бу борада «Маҳалла» жамғармаси Янгирер шаҳар бўлинмаси, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, ногиронлар жамияти, ФХДБ бўлими ва тиббий муассасалар билан ҳамкорликда мунтазам равишда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб келинапти.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, маҳалламизда никоҳи беқор бўлган оилалар йўқ. Боқувчисини

йўқотган оилалар ва бундай оилаларда тарбияланаётган воғта етмаган фарзандларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Яраштириш комиссиясининг тавсиясига кўра, моддий ёрдам, фарзандларининг ёшга қараб нафақалар тайинламоқда.

Маҳалла умуминсоний, миллий қадриятлар, ибратли ўрф-одатларимизни тарқатиш мақсадида комиссия фаолияти доимий равишда танқидий ўрганилмоқда. Аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилаётгани фаолиятимиз самарадорлигини оширмоқда.

Ҳазратқул МАМАТҚУЛОВ, Янгирер шаҳаридаги «Подлий» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

“MAHALLA” ЖАВОБ БЕРАДИ

Ворислик ҳуқуқига эгасиз

САВОЛ: — Икки нафар олам ва бир нафар синглим бор. Ҳаммамиз турмушга чиққанмиз. Ота-онам эрта вафот эттишган. Яқинда синглим отамдан қолган уй-жойга ворис эканини айтиб, жанжал кўтарди. Менга ворислик ҳуқуқи ҳақида маълумот берсангиз.

З.БЕКМУРОВА,
Хонқа тумани.

ЖАВОБ: — Фуқаро ўзига тегишли бўлган хусусий мулкнинг тақдирини тирикчилигида васиятнома билан расмийлаштириши мумкин. Бундай шахсга тегишли бўлган мол-мулкнинг бошқа шахсларга ўтиши ворислик ҳисобланади. Васиятнома қисман ёки тўлиқ ҳақиқий эмас, деб тоилган ёки мерос мулкнинг ҳаммаси васият қилинмаган ҳолларда, унинг васият қилинмай қолган қисмига нисбатан қонун бўйича ворислик амалга оширилади. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин меросхўрларга ўтиши мумкин бўлган ҳуқуқи, шунингдек, мулк билан боғлиқ бўлган айрим ном-мулкий мажбуриятлари ҳам мерос қолдирувчининг мерос мулки таркибига киради.

Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан, мерос қолдирувчининг болаалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болаалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатда ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Бундан ташқари, мерос қолдирувчининг



вафотидан кейин туғилдиган болаалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига киради.

Мерос қабул қилишда ворислар доираси мерос очилганидан кейин аниқланади. Чунки меросхўр бўлиш учун мерос очилган пайтда ҳаёт бўлиши керак. Агар меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган бўлса, унга тегишли улуш авлодларига берилади. Бунда улуш тақдир қилинаётган меросхўр бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади. Ворислар қонун ва васият бўйича белгиланиши мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос Жаҳонгир АБДУРАИМОВ жавоб бери.

МАҲАЛЛАМИЗ ТАРИХИ

Хирмони баланд маскан

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги “Хирмон-тепа” маҳалласи кўркам ва қадимий гўшалардан. Маҳаллада кўп йиллардан бери истиқомат қилиб келаётган нурунийлардан бири Бахтиёр ота Маҳмадалиевнинг айтишича, бу ҳудуд илгари кенг ер майдонидан иборат бўлган ва ўша пайтлар “Изма”, деб аталган. Одамлар деҳқончилик қилиб, шол қилишган. Ҳозирги “Хирмон-тепа” маҳалласи ҳудудида битта мактаб бўлиб, бу даргоҳда “Бўрижар” маҳалласидан болалар ҳам таълим олишган. Кейинчалик мактаб кенгайтирилиб, “Тинчлик”, “Нўғайқўрғон” маҳалласидан ҳам болалар келиб таълим ола бошлашган.

— Маҳаллага “Хирмон-тепа”, деб ном

қўйилишининг сабаби йилнинг ҳудуди тепаликлардан иборат бўлган, — дейди отахон Бахтиёр Маҳмадалиев. — Бу ерга аста-секин одамлар кўчиб келиб, буғдой, мош ва бошқа экинлар экишган. Экинлар ҳосилини тепаликка олиб чиқиб, хирмон қилиб уюшган.

Ҳозирги кунда маҳаллада 10 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда йилнинг раиси Жаҳонгир Ҳакимов бошчилигида кўлаб хайри ишлар амалга оширилаётган, жумладан, 14 та уй-жой муқдорлари ширкат, милиция таянч пункти ва бошқа 30 дан зиёд ташкилот мутасаддилари билан ҳамкорликда иш юритиб келинаётган. Маҳаллада шонли саналар муносабати билан учрашувлар, саховат тад-

бирлари ўтказиш анъанага айланган. Байрам тадбирларида кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга моддий, маънавий ёрдам кўрсатилади. Ўзбекистон, ҳомий ташкилотлар, тадбиркорлар бундай эзгу ишлардан четда туришмайди.

Айтиш жоизки, маҳалла ҳудуди кўндал-кўна чирой очиб бормоқда. Йилнинг раиси Ж.Ҳакимов ва фаоллар ташаббуси билан ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг оммавий спортга қизиқишларини орттириш мақсадида спорт майдончаси қурилди. Бу майдончада болалар дарсдан сўнг спорт машғулотларини ўтказишади.

— Хайрли ишнинг эрта-кечи бўлмайдиган, — дейди оқсоқол. — Маҳалладошларимнинг

турмуш тарзи тобора яхшиланиб бораётганидан хурсандман. Фаоллар тураржой атрофларини, йўлакларни тоза тутишади. Кўламазорлаштириш ишларида ҳам, тадбир ухашларда ҳам фаол қатнашишади.


Дарҳақиқат, Жаҳонгир ака айтганидек, ҳамжамиятда ҳикмат кўп. Хирмонтепаларнинг ўзаро иноқлиги, қолаверса, ҳомийлар, тадбиркорларнинг маҳаллани обод қилишга айлантиришга интилишлари туфайли кўчалар асфальт қилиниб, 71 таянч ёриткичи ўрнатилди.

Маҳалла аҳли бўш ётган ерларни ўзлаштириб, гулзорга айлантираётган.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ,
“Mahalla” мухбири.

ИБРАТЛИ ОИЛА

Меҳр қолур, муҳаббат қолур...



© Фото-Носир Хайдаров

Б у воқеага ўн бир йил бўлди. Ота-онасидан эрта ажралиб бувисининг кўлида қолган Абдуқундуз тақдирининг яна бир зарбасига учради — буvisи ҳам бу оламни тарк этди. Маъракалар давом этаётган ўша кунларда кўпчиликини бир савол ўйлантирарди: эндигина тўққиз ёшга тўлган гўдакнинг тақдирини қандай кечаркан? Балки уни қариндошларидан биортаси қарамонига олар? Ёки Меҳрибонлик уйига топширишармикан?

Одамларнинг турли фикр-мулоҳазаларини сукот билан тинглаб ўтирган Абдуқундуз ака кетишга чоғлиниб ўрнидан турди. Унинг кўзлари останада мунғайиб турган болакайга тушиб, унга қараб юрди, болаани маҳкам бағрига босди. Абдуқундуз эрта йўқотган ота меҳри ва ҳимоясини тошгадек бўлди. Юзларидан нур ёйилиб турган бу одамнинг қайноқ бағрида беихтиёр йиғлаб юборди. Абдуқундуз ака эса болаани қўлиб юборгиси келмасди...

Дарвозани очган Ўзбекистон опа останада уларни кўргач, гап нимаданлигини

тушуниб, болага меҳр тўла кучовини очди. Шу кундан бошлаб улар болаани оқ ювиб, оқ тараб воғта етказиб болашди. Ҳозир йигирмага тўлиб коллежни тугатаётган Абдуқундуз Абдуқундуз ака ва Ўзбекистон оилаларга ўхшаб қаровсиз қолганлар бошини сийлайдиган, эл қорига доимо қамарбаста бўладиган инсон бўлиш умиди билан улағмоқда.

Дарҳақиқат, пойтахтимизнинг Ҳамза тумани «Янги давр» маҳалласидаги Мамажоновлар оиласидан кўпчилик ибрат олади, уларга ҳавас қилади. Сабаби бу оила соҳиблари — Абдуқундуз ака ва Ўзбекистон оилаларининг оила қурганига қирқ йил тўлган бўлса, ўтган давр давомида бу икки инсон бир-бирига меҳр, эътибор, садоқат ва вафо кўрсатиб ҳаёт кечиришди, кўмакка муҳтожлардан юз ўтиришмади. Табиийки, бундай шароитда униб-ўсган фарзандлар ҳам ота-она изидан бориб, ҳар жиҳатдан уларга ўхшашига, эл-юрт фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга ҳаракат қилишмоқда. Ўғиллари — Равшанбек ва Дилшодбекнинг эл-юрт оқшишини олишга

гани ота-онасининг муносиб тарбияси туфайлидир. Адаш оғирин — Зилолахоновлар эса маҳалла-қўй яхши кўрадиган, ҳеч кимдан ёрдамини аямайдиган инсонлар хонадонига келин бўлиб тушганларидан беҳад шод. Бу хонадонда камол топган Гулназа ва Нодирахондан эса қайната-қайналарни миннатдор.

— Отамиз эрта вафот этиб, укаларим тарбияси ўзимга қолди, — дейди биз билан суҳбатда Абдуқундуз ака. — Ўша пайтларда ҳаёт фақат қийинчиликлардан иборат эмаслиги, нурали кунлар келишига ишонч ҳисси билан яшадим. Фарзандлар тарбиясида ўрни билан қаттиққўл бўлиш, ўқиб ва ишларига жиддий эътибор қаратиш зарурлиги, ҳаддан зиёд эркинлик бериб қўймай доимо назоратда олиш энг тўғри оила эканини англаш иш тутдими. Бугун укаларим ва фарзандларим тарбиясида ўзини оқлаган бу тарбия усулларини маҳалладошларимга маслаҳат тариқасида айтишдан қарачаман.

Хонадон бекаси Ўзбекистон оиланинг нозик дидли, саранжом-сарошта, етти ўлчаб бир кесадиган, мулоҳазали аёл эка-

ни хонадонда яққол сезилиб турибди. Унинг фикрича, аёл учун энг керакли фазилат, қолаверса, оила тотувлигини таъминловчи воситалардан бири — бу сабр. Эркак кишининг топган-тутганини ўз ўрнида, режалар тақсимида эса оилани моддий қийинчиликлар исканжасидан омон сақлайди. «Бунга менга раҳматли қайнамам Микҳон она бот-бот эслатардилар, ҳозир эса бу ўғитни келин ва қизларимга ўқитишман», дейди онахон.

Бу азиз инсонларнинг маҳалла аҳлига, эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларга хайру саховатини кўп эшитгандик. Гап мавзусини шу томонга бурганимизда қулиб: «Имкон қадар ёрдам бериб келамиз», дейишди, холос.

— Абдуқундуз ака кўнгли очик, сахий инсон, — дейди «Янги давр» маҳалласи фуқаролар йиғини масъул котиби Баҳром Худоев. — Аммо саховатли ишларини айтишни, кўз-кўз қилишни ёқтирмайди. «Бир қўлинг берганини иккинчи қўлинг сезмасин», қабилида иш тутди. Айнан шу хислати ҳам унинг маҳалладошлар орасидан ортдан эргаштириб, эл-юрт ривожига хисса қўлишига ундайди.

Инсонни элда муҳтарам этадиган, кишилар қалбида ҳавас уйғотиб, зугулик сари чорлайдиган фазилатлар инсон ҳаёти, фаолияти давомида шаклланади, сайқал топади. Умр йўларида ибрат намунасини яратган чорлайдиган фазилатлар инсон ҳаёти, фаолияти давомида шаклланади, сайқал топади. Умр йўларида ибрат намунасини яратган чорлайдиган фазилатлар инсон ҳаёти, фаолияти давомида шаклланади, сайқал топади. Умр йўларида ибрат намунасини яратган чорлайдиган фазилатлар инсон ҳаёти, фаолияти давомида шаклланади, сайқал топади.

Юдуз ҲОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Корея Республикасида ишлаш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диққатига!

Қадри юрдошлар!

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида ўзаро сиёсий, иқтисодий, фан, таълим ва бошқа соҳалар каби меҳнат миграцияси соҳасида ҳам ҳамкорлик муносабатлари тобора жадал ривожланиб бормоқда.

Жумладан, 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида республикамизнинг ишчи кучи ресурсларини мазкур давлатга ишга юбориш бўйича икки томонлама ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган ва 2008 йилда узайтирилган Меморандумга мувофиқ республикамиз фуқароларига Эркин ёллаш тизими бўйича Кореянинг етакчи корхоналарида бевосита ишчи мақомида расмий тарзда ишлаш имконияти яратиб берилиши икки давлат ўртасида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ўтган 2007—2008 йиллар давомида мазкур тизим бўйича Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан Ташки меҳнат миграцияси масалалари агентлиги кўмағида республикамизнинг 5049 нафар фуқаролари корейс тили бўйича ўтказилган тест синовларидан муваффақиятли ўтиб Кореяда меҳнат қилишга юборилдилар.

Фуқароларни рўйхатда олиш жараёни республикамизнинг ҳар бир вилоятида Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати ходимлари туговчилигида ва бевосита иштирокчида ошқоралик тамойилларига таянган ҳолда амалга оширилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу жараёнда тестда иштирок этиш истагини билдирган фуқаролар корейс тили бўйича махсус мутахассис томонидан оқшадан суҳбатдан ўтказилиб, улардан дастлабки билимга эга бўлганлари рўйхатда олинди. Бундан асосий мақсад мазкур тестдан самарали фойдаланган ҳолда кўпроқ фуқароларнинг тест синовларидан муваффақиятли ўтишлари билан имкон яратиш, яъни корейс тили бўйича етарли билимга эга бўлган фуқароларнинг иштирок этишини ва тест синовларида қатнашиш учун тўлов пулининг қайтарилмаслигини ҳисобга олиш, унда фақат тегишли билим даражасига эга бўлган фуқароларга иштирокини таъминлашдир.

Шу ўринда фуқароларимиз эътиборини қуйдаги муҳим масалага қаратмоқчимиз.

Ташки меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан республикамизнинг оммавий ахборот воситаларида чет элларга меҳнат фаолиятини амалга ошириш масаласи тартиби тўғрисида мунта-

Ишлов телефонлари рақамларини эслатиб ўтамиз:
232-27-88, 252-13-61

ИФТИХОР

Либосларда Ватан тафти бор

Кўча-кўйда спорт либосида юрган ёшларни кўрганмисиз? Айниқса, уларнинг чап кўксидagi Ўзбекистон гербининг тасвири шу юрт фарзандлари кўзига тўғдек кўриниши тайин. Шундай либос кийган спортчилар жаҳон шохсупаларининг энг юқори даражасида юртимиз тимсоли бўлиб кўриниш берганда кўнглимиз ғурурга тўлади.

2002 йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинган, мамлакатимизда нафақат замонавий спорт мажмуалари қурилиши янги босқичга кўтарилди, балки халқаро талабга жавоб берадиган спорт жихозлари ва анжомлари ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Авваллари болалар спортини иншоотларини жиҳозлаш учун анжомлар хориждан келтирилган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг деярли барчаси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқаришмоқда. Бундан беш йил илгари маҳаллий корхоналаримизда болалар спорт иншоотлари учун зарур бўлган 120 хил анжоннинг 73 тури тайёрланган бўлса, бутунга келиб юртимизда 113 хилдаги спорт жихозлари ишлаб чиқаришмоқда. Айни вақтда оммавий спорт турлари учун зарур жиҳозларни, айниқса, футбол ва волейбол тўпларини, шунингдек, югуриш йўлаклари ва спорт майдонларининг сунъий қопламаларини ўзимизда ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий корхоналаримизда болалар учун сифатли спорт жихозлари ишлаб чиқариш имкониятлари чуқур ўрганилиб, спорт иншоотлари учун тавсия этиладиган энг қўлай ва мақбул жихозлар рўйхати тузилди.

Бутунги кунда мамлакатимизда спорт жихозлари ва инвентарлари ишлаб чиқариётган корхоналар рўйхатида эътибор қаратсангиз, қувонарли ҳолатга гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, «Стеклопласт» корхонасида 50 турдаги спорт маҳсулоти ишлаб чиқарилаётган бўлса, «Хўжабод» АЖ истеъмолчиларга футбол, волейбол, баскетбол каби спорт турларига мўлжалланган жихозларни етказиб бermoқда. «Мукамил давр» кичик корхонасининг бокс кўлақлари эса ёшлар учун нафақат машғулотда, балки мусобақаларда ҳам қўлай



келмоқда. «Азия С» қўшма корхонасининг гимнастика, бадминтон, бокс, шахмат-шашка каби спорт жихозлари бутунги кунда спорт мажмуаларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётганларга хизмат кўрсатмоқда.

— Мамлакатимизда бир йил мобайнида ёшлар ўртасида ўрта ҳисобда миндан зиёд республика миқёсидаги спорт мусобақалари ўтказилди. Масалан, жорий йил 1 июнгача бўлган даврда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида 205 та мамлакат миқёсидаги спорт тадбири ташкил этилган. Энди бу рўйхатга қасба қувончалари, халқ таълими, маҳалла ва бошқа тизимларда ўтказилаётган спорт тадбирлари ҳам қўшилса, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштиришга бекиёс эътибор қаратилаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ўшбу биринчилик ва оммавий мусобақаларда юртимизда ишлаб чиқарилаётган спорт жихозларидан фойдаланилаётганлигини алоҳида эътироф этиш лозим, — дейди Маданият ва спорт ишлари ва-

зирлиги Олимпия ва спорт заҳиралари бошқармаси бошлиғи Рашид Маткаримов. — Таъкидлаш керакки, ишлаб чиқарилаётган спорт анжомлари ҳозирча ички имкониятларни тўлалигича қоплай олмаётган бўлса-да, муҳими, маълум ютуқларга эришилди. Бир пайтлари ёшларимиз мавжуд спорт мажмуаларида спортнинг 8 тури билангина шуғуллана оларди. Бунёд этилган спорт мажмуаларининг жиҳозланиш даражасининг ошиши эндиликда ўғил-қизларимизга спортнинг 30 та яқин тури билан машғул бўлиш имконини берди. Биргина гимнастика, бокс, шахмат-шашка каби спорт турлари бўйича ўтказилаётган Ўзбекистон биринчиликлари айнан ўзимизда ишлаб чиқариш жихозлари ва спорт анжомлари ёрдамида ташкил этилмоқда. Қувонарлиси, болалар спортини ривожлантириш тизимининг жорий этилиши юртимиз спорт индустриясини янги босқичга кўтарди.

«Баркамол авлод йили» давлат дастурида спорт иншоотларини замонавий анжом ва жиҳозлар билан таъминлаш му-


ҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Жорий йилда 79 та болалар спорт иншооти, сузиш ҳавзасини халқаро талабларга жавоб берадиган спорт жихозлари ва анжомлари билан таъминлаш, шунингдек, кам таъминланган оилаларда вояга етган фарзандларга спорт кийими ва анжомлари етказиб бериш назарда тутилган. Бу эса спорт билан оммавий шуғулланаётган ёшлар сафи кенгайди, миллат генафонди янада соғломлашди, деганимиз.

Бутун жаҳонда ўтказилаётган бирор-бир нуфузли мусобақа ёки спорт анжумани йўқки, у ерда, албатта, юртимиз спорт либосидаги йигит-қизларимиз иштирок этмаса. Улар ўз маҳоратлари билан дунёни ҳайратга солмоқда. Бу ҳайратларнинг, валабаларнинг замирида эса Ўзбекистонда ишлаб чиқариш жихозлари ва анжомларининг, айниқса, бунёдкорларимиз томонидан барпо қилинган спорт мажмуаларининг тафти бор.

Тўққин РЎЗИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНИ

Барчамизнинг фахримизга айланган



Республикамизнинг энг ғарбий нуқтасида — Андижон сув омборининг маҳобатли тўғони яқинида жойлашган «Кампирровот» маҳалласи аҳли бутун «Биздан ҳам чемпион чиқди», дея фахрланишмоқда. Яқинда Тошкентда ўтган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатида даст ва силбат кўтариш, икки қурадада кампирровотлик Мухаммадйосиф Юсупов ҳаммани лол қолдириб, 3 та олтин медал ва Сингапур олимпиадасига йўланмани қўлга киритди.

— Мухаммадйосифнинг ҳар бир чиқишини маҳалладошларимизгина эмас, бутун Хонобод шаҳри аҳолиси ҳаяжон билан кузатиб, — дейди маҳалла оқсоқоли Нозимжон Азимов. — Айниқса, унинг ғалабаси шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янраганда, беҳтиёр кўзларимизга ёш келди. Қалбимизда мустақил Ўзбекистонимизнинг шижоатли ва қатъиятли ёшлари борлигини фахр-ифтихор туйғулари жўш урди.

Дарҳақиқат, мустақиллик туйғули бу-

гун Ўзбекистоннинг чекка бир қишлоғида вояга етган оддий йигит нуфузли мусобақанинг чемпиони бўлди. 17 ёшда қаршилаётган Мухаммадйосиф қисқа фурсатда Осиёнинг таниқли оғир атлетикачиларидан бирига айланди.

— Эсимда, бундан олти йил аввал Мухаммадйосиф отаси Комилжон ака бу ерга етаклаб келган эди, — дейди Мухаммадйосифнинг устози, Хонобод шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шу маҳалладаги гуруҳ раҳбари, оғир атлетика бўйича спорт устаси, 1-тоифали мураббий Улуғбек Абдусатторов. — Албатта, дастлабки машқлар штангани кўтариш машқларини ўрганишдан иборат эди. Мухаммадйосиф жисмоний бақувват эмасди, аммо унда спортга жуда катта қизиқиш, ирода бор эди. Ана шуларни ҳисобга олиб, ота-онасидан ҳамда 3-мактабдаги жисмоний тарбия ўқитувчиси Юсупжон Обиджоновдан болаининг жисмоний тайёргарлигига, овқатланиш тартибига алоҳида эътибор беришларини сўрадим. Бу эса қисқа фурсатда ўз натижасини берди.

Мухаммадйосифнинг муваффақиятларига водийнинг дарёлари бошланадиган сўлим Кампирровот қишлоғининг гўзал табияти, саҳий кишилари ва устозларининг ўғитлари асос бўлди, дея оламиз. Қир-адирларда мол боқиб, болалардаги ширин-шарбат мевалардан тўйиб истеъмол қилиб, сут-қатқич ичиб, онаси Раҳнамохоннинг ҳай-ҳайлашларига қарамай тезоқар Андижонсойда чўмилиб юрган қишлоқ йигити энди Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси сифатида Сингапурда бўладиган 1-олимпиада ўйинларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.

Ҳа, бутун «Кампирровот» маҳалласи аҳли у билан ҳақли равишда фахрланаётди. Эътиборлиси, Мухаммадйосиф камолга етган спорт мактабига келиб шуғулланувчи ёшлар сафи янада кенгайди. Бу, келажакда «Кампирровот» маҳалласидан ўнлаб чемпионлар етишиб чиқишидан далолат.

У.САКСОНБОВ,
«Mahalla» мухбири.

МУСОБАҚА

Фолиблар аниқланди

ТОШКЕНТдаги мусика ва санъат лицейи спорт мажмуасида анъанавий қаратга бўйича Баркамол авлод йилига бағишланган республика очик биринчилиги бўлиб ўтди. Ёшлар учун ташкил этилган санъат байрами татамидаги мусобақалар билан қизиқарли тус олди.

Тошкент, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларидан 100 нафарга яқин ёшлар иштирок этган беллашуларда самарқандлик Ш.Ҳабибов, М.Тўққинов, тошкентлик Ф.Химматов, А.Эгамназаров, Ш.Абдусаматхўжаев, фарғоналик Ж.Ибрагимов, қашқадарёлик М.Латипова каби спортчилар совринли ўринларни эгаллашди.

Жамоавий ката баҳсларида Тошкент ва Фарғона жамоалари ғолиблик шохсупасига кўтарилган бўлса, кумитэ йўна-

лишида эса пойтахтлик ва самарқандлик қаратгичлар совринли ўринларни ўзаро тақсимлаб олишди.

— Мусобақалар кутилганидан ҳам қизиқарли ўтди. 7 ва 18 ёшлар ўртасидаги беллашуларда ёшларимиз ўзларининг нимага қодирлигини намойиш этишди, — дейди мусобақа бош ҳаками Шўхрат Қўшмуродов. — Энг асосийси, биринчилик туйғули қатор истеъдодлар кашф этилди. Вилоятлардан келган ёшлар учун пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига томошалар уюштирилди.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом, медал ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Яшна ИМИНОВА.

БИЛИБ КЎЙГАН ЯХШИ

Қурилиш майдонларида ёнғин хавфсизлиги

Кейинги йилларда мамлакатимизда замонавий типда барпо этилаётган корхона, мактаб, лицей, коллеж, банк, тиббиёт масканлари ва тураржой бинолари пишиқ янгибдан, барча қўлайликлар билан қурилаётгани ва техника воситалари билан жиҳозланаётгани эътиборга молик. Бироқ шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, иншоотларни барпо этишда, энг аввало, ёнғин хавфсизлигига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Бино ва иншоотлар қурилиш майдонларида, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чоралари «Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш ва капитал таъмирлашда ёнғин хавфсизлиги қондалари» метёрий ҳужжати талабларига мувофиқ амалга оширилади. Унга қўра, қурилиш ишларини олиб бораётганда қуйидаги қондаларга амал қилиш зарур:

— қурилиш майдончаларида қурилиш-монтаж ишларини бошламасдан олдин қуриладиган ва манший (вақтинчалик) иншоотлар орасида жойлашган барча бинолар бузиб ташланиши керак;

— қурилишнинг кўмакчи нуқталари (ёғочсозлик устаконалари, омбор, манший хона ва бошқалар) жойлашгани ёнғин хавфсизлиги талабларига биноан ишлаб чиқилган бош лойиҳага жавоб бериши шарт;

— қурилиш олиб борилаётган майдончада фақат махсус ажратилган «Чекш жойи»да ва ёнғин ўчириш воситалари, қум солинган қути, сув тўлдирилган идишлар билан жиҳозланган жойларда чекш мумкин;

— қурилиш ҳудудидида гулхан ёқиш ман этилади;

— қурилиш вақтинчалик электр сими ўтказилаётганда изоляция қилинган симлар маҳкам тирговуқ ёки троссаларга илинади. Электр сими иш жойидан 2,5 метр, ўтиш

жойларидан 3 метр, ўтиш йўларидан 6 метр баландликда бўлиши керак. Ер, пол ёки қопламалардан 2,5 метр баландликда бўлган электр кабел ва симлар шикастланишдан сақланган ҳолатда бўлиши лозим;

— электр ва газ пайвандлаш ишлари бажариладиган жой ёнғин ўчириш воситалари (ёнғин ўчиргич, қум, намот ёки брезент, сув) билан таъминланган бўлиши ва атрофи 5 метргача ёниши мумкин бўлган моддалар, 10 метргача порташ мумкин бўлган модда ва ускуналар (газ балонлари ва газ генераторларидан ҳоли бўлиши керак;

— газ балонлари махсус омборхонада ёки куёш нури тик тушмайдиган махсус жойда сақланиши керак. Тўлдирилган балонлар тик ҳолда сақланади ва махсус катакларга ўрнатилиб, камар, занжир ёки қисқичлар билан маҳкамланади;

— қисқорда балонларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва қўчиришда балонлар мой

ва мойли материалларга тегиб кетмаслиги чоралари қўрилиши керак;

— иш туташли билан электр тармоқлар, электр асбоб-ускуна ва қурилишдаги бошқа электр истеъмоли нуқталари, шу жумладан, манший хоналар тоқдан узиб қўйилиши керак. Электр энергияни ўчириш марказлаштирилган бўлиши зарур. Қурилиш майдончасини ёритиб турадиган чироқлар алоҳида тармоққа уланади.

Хуллас, ҳар бир бинокор-қурувчи, муҳандис юқорида келтирилган қондаларни пухта ўзлаштириб олиши, қурилиш жараёнида ёнғинга сабаб бўлувчи ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан тегишли йўриқнома билан таъминланиши лозим. Чунки қондага амал қилиш ёнғиннинг олдини олишда муҳим омили ҳисобланади.

Иқром АҲМАДЖОНОВ,
12-ХЕҲО 3-алоҳида пости кичик инспектори,
ката сержант.

Дунёдан дараклар

Маълумотларни ошкор этди


БҮЮК БРИТАНИЯ ҳукумати ўзининг ядро қуроллари ҳақидаги маълумотларни ошкор қилди. Бу ҳақда АРР хабар тарқатди. Ҳозир мамлакат қуролли кучлари ихтиёрида 160 та ядро қаллаклари бор. Расмий Лондон улар сонини 225 тадан ошироқчи эмас. Буюк Британия ташқи ишлар вазири Уильям Хейтнинг таъкидлашича, маълумотларни ошкор қилиш давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлайди.

Бундан сал оддироқ АҚШ ҳам ўзининг ядро арсенали ҳақидаги маълумотларини эълон қилган эди. Пентагон тарқатган маълумотларга қараганда, ҳозир АҚШ армияси 5113 та ядро қаллагига эга. Жорий йилнинг 8 апрель кун



АҚШ ва Россия президентлари стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш тўғрисидаги янги шартномани имзоладилар. Мазкур ҳужжатга биноан икки томон ҳам ўз ядро зарядларини 1550 тагача, ядро ташувчи ракеталарни эса 800 тагача қисқартиради.

Германия маҳбусларни қабул қилади



ФЕДЕРАЛ канцлер Ангела Меркель Гуантанамо қамқоқонасидаги маҳбусларнинг бир нечасини Германия қабул қилиши мумкинлигини билдирди. Халқаролик қараганда, ҳозир мамлакат ички

ишлар вазири Томас де Мезьер Гамбург ва Бранденбург ери раҳбарлари билан собиқ маҳбусларга бошпана ва иш топиб бериш бўйича музокаралар олиб бermoқда. Германияга нечта маҳбус келтирилиши ҳақида ҳозирча аниқ маълумот йўқ.

Эслатиб ўтамиз, Барак Обама АҚШ президенти этиб сайлангандан сўнг Гуантанамо қамқоқонасида сақланётган, лекин айби исботланмаган маҳбусларни қабул қилишларини сўраб иттифоқчиларига мурожаат қилган. Лекин шу пайтга қадар бунга ҳеч бир мамлакат ижобий жавоб бермади. Уларнинг таъкидлашича, собиқ маҳбуслар яна террорчилик билан шуғулланмаслигига ҳеч ким қафолат бера олмайди.

Яқин Шарқда яна можаро

ЯҚИН ШАРҚДА яна қон тўкилди. Бунга Ғазо секторига инсонпарварлик юки олиб келаётган олтита кемадан иборат «Тинчлик флотилияси»га Исроил ҳарбийларининг ҳужуми сабаб бўлди. «Al-Jazeera» телеканали тарқатган хабарда айтилишича, кемаларда инсонпарвар юклардан ташқари қирққа яқин давлатнинг 700 нафар Фаластинга ҳайрихоҳ фуқаролари, Европарламент депутатлари бўлган.

Тўқнашув натижасида, Исроил матбуотининг хабарига қараганда 10 киши, бошқа ахборот воситалари хабарига қараганда эса 19 киши ҳаётдан кўз юмган.

Бу хабарни дунё ҳамжамияти ташвиш билан кутиб олди. Жаҳондаги кўплаб шаҳарларда норозилик намойишлари бўлиб ўтди.



Ишлари бўлиб ўтди. Намойишчилар Исроилнинг дипломатик консулликлари биноларига ҳужум уюштиришди.

Сўнги хабарларда айтилишича, Исроил кемалари инсонпарварлик юкларини Ғазо секторига етказиб берган. Кемадаги бир неча юз кишини эса қамқоқда ушлаб турибди.

Қазिश ишлари тўхтатилди

АҚШ ҳукумати Арктикадан нефть топиш учун океанда қазिश ишлари олиб боришни 2011 йилгача тўхтатди. «The Times» газетасининг ёзишича, Мексика кўрфазидидаги ҳалокат туйғайли ҳукумат шундай йўл туттишга мажбур бўлди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида Оқ уй экологларнинг қаршичилигига қарамадан «Shell» компаниясига нефть топиш учун Арктикада қазिश ишлари олиб боришга

рухсат берган эди. Бу ерда кўлаб йўқ бўлиб кетаятган жониворлар — греланд китлари, қўтб айиқлари, моржлар ва тюленлар яшайди. Экспертларнинг таъкидлашича, агар Арктикада ҳам Мексика кўрфазидидагидек фалокат юз берадиган бўлса, қалин музлик туйғайли унинг олдини олишнинг, яъни нефть чиқишини тўхтатишнинг иложи бўлмайди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент шаҳар Миробод тумани Алимбекова кўчаси 3/16 Б уйда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи К.Ш.Абдулхасанова нотариал идораси фаолияти 2010 йил 15 майдан тугатилди.

Шижоат ва аризалар эълон чиққан қуцдан бошлаб 1 ой ичиди қабул қилинади.

Тел: 290-80-68.

КИТОБХОНЛИК

Мутолаа тафаккурни кенгайтиради



МАЪНАВИЯТ — улуг сарчашма.

Унинг тафтидан баҳра олган, руҳияти қувватланган авлоднинг тафаккури кенг бўлади, воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ билан қарайди. Шу маънода, бутунги глобализациядан даврининг барча жиҳатларини қамраб олган Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари том маънода ҳалқимизнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилаётган муҳим қўлланма сифатида республика маҳаллаларида кенг мутолаа қилинмоқда.

Яқинда Самарқанд шаҳридаги «Зиёлар» маҳалласида фахрийлар, ёшлар ва фаоллар иштирокида ушбу китобда кўтарилган масалалар юзасидан давра суҳбати ўтказилди.

— Жамиятнинг маънавий дунёсини бойитишни, инсон қалбини кашф этишни истар эканмиз, ушбу асарда кўтарилган масалалар моҳиятини чуқур аниқлаб етмоғимиз лозим, — деди Самар-

қанд Давлат университети профессори Мухтор Уралов. — Бу китоб шарқона фалсафага бойлиги, сиёсий мазмуни теранлиги билан ёшларга Ватанга муҳаббат, миллий ғоя ва маънавиятга, мустақилликка садоқат туйғусини тарбиялашда муҳим манба сифатида қадрлидир. Китобда маънавийтимизнинг долзарб масалалари хусусида содда, тушунарли, аниқ чоғда, чуқур фалсафий фикрлар билдирилганки, ўқиганингиз сари тафаккурингиз тиниқлашади.

Тиббиёт касб-хунар коллежи талабалари, айниқса, китобнинг «Глобализация жараёни ва маънавий таҳдидлар» бобида айтилган ғоялар бора-бора кизгин фикрлашди. Жумладан, улар ахборот асрининг ўзига хос жиҳатлари, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучли эканлиги, «оммавий маданият» нисбидидаги тубанликлар, огоҳлик, маҳалла тинчлиги ҳақида гапирди. Маҳалла аҳлининг 500 нафарга яқини ўспирин-ёшлар эканлигини ҳисобга олсак, уларнинг бу мавзулардаги фикр-мулоҳазалари, дунёқарашни кенгайтириб бораётганидан далолатидир.

Тадбирда иштирок этган маҳалла кайвониларидан Ҳаким бобо Мўминов маънавиятга кишилар оилани, никоҳни муқаддас, деб билишлари, тўй-маросимларни ихчам, камҳарж ўтказиш эса оиланинг моддий имкониятларини мустаҳкамлаш ҳақида гапирди.

Давра суҳбати якунида маҳалла оқсоқоли Ҳусан Расулов иштирокчиларга миннатдорлик билдириб, «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари маънавий ва маърифий дунёимизни бойитишда, ёш авлодни қониқ инсонлар қилиб тарбиялашда дастуриламал эканлигини таъкидлади.

Ҳ. ҚУРБОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

ИКТИДОР

Гўзалга аталган гулдаста

Гўзал ўзининг ўткир зехни, теран фикри, одоб-иқроми билан тенгдошларига ҳамisha ибрат бўлиб келади. Қачон қараманг, бирор-бир тадбирга у бошқош. Билмаганларини эса сўраб ўрганади. Устозлари, лицей директорларини унинг муовинларини ҳам турли саволлар билан безовта қилиб туради. Гўзалнинг бу фазилатини барча қадрлайди. «Қани эди, ҳамма ўқувчилар ҳам мана шундай илм олишга қизиқса, интикса...», дея ният қилишди устоз ва мураббийлари.

Гўзал Ўзбекова Урганч давлат университети қошидаги 4-академик лицейнинг биринчи босқич ўқувчиси бўлса-да, ҳозирда қалай ютуқларга эришди. «Ёшлар қамол — юрт иқбол» республика кўрик-танловининг биринчи даражаси дипломи билан тақдирланди. Республика миқёсида ўтказилган «Президент асарлари билимдони», «Энг яхши китобхон» кўрик-танловлари ғолиби бўлди. Публицистика йўналиши бўйича «Келажак овози» мега-танловда ҳам Гўзалойга бахт қулиб қолди. Ўзбекистон ва адабиётни фанидан вилоят, кейин республика олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллади. Тарих, фольклор-шунослик соҳаларига бўлган қизиқишларини ҳам ўз изланишларида намоён этди. Урганч давлат университетининг таърифи профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида илмий изланиш олиб бориб, дунёқарашини, билимини ошириш пайида бўлди. Унинг филология фанлари доктори, профессор Рўзимбой Сафарбоев, тарих фанлари номзоди Санжар Давлатов, Хоразм Маъмур академияси олимлари Абдулла Абдураулов, Гавҳархон Дурдиева, академик лицей ўқитувчилари Камолитдин Хайитов, Нигора Ҳасановалардан олган собоқлари ўз самарасини берди. Вилоят, рес-



публика матбуотида илмий мақолалари, турли нашриётларда «Хива обидалари», «Хоразм дostonчилик анъаналари», «Халқ дostonларида шеърини санъатининг ўрни» рисоалари чоп этилди. Амир Темур таваллудининг 672 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий анжуманда қилган маърузаси учун Халқаро Амир Темур жағнамаси фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Барқамол авлод йили баҳори Ўзбек бобонинг невараси Гўзалойга омад келтирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида кўра, Ўзбекова Гўзал Мурот қизи аъло ҳуқуқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги учун Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлди. Уни чин дилдан кўтлаб, гулдасталар беришди. Бу гулдасталар орасида ҳеч қачон сўлмас бир гулдаста борки, бу ота-она, эл-юрт, устозларнинг меҳридир.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

САНЪАТ ГУЛШАНИ

Муסיқанинг сеҳрли қудрати

Муסיқанинг беқиёс сеҳри инсон қалбини ҳайратта солади. Юртимизда бу санъатнинг сарчашмаларидан баҳра олиб, камолга етаётган ёш авлод эса жаҳон бўйлаб ўтказилаётган турли муסיқа фестивалларида, кўрик-танловларда ўз иқтидорини намоён этмоқда.

Мамлакатимизда қисқа фурсатда санъатнинг турли йўналишларига ихтисослашган 300 га яқин мактаб ва лицей фаолияти йўлга қўйилди. Юртобшмизнинг «Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинган, ушбу санъат даргоҳлари қайта ташкил этилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Муҳими, ёшларга иқтидорларини юзага чиқариш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Бу борада пойтахтимиздаги Р.Глиер номидаги Республика ихтисослашган муסיқа академик лицейида қатор ибратли ишлар йўлга қўйилган. 2002 йилда мазкур муסיқа мактаби академик лицей мактабига эга бўлди. Унга кўра, ўқувчилар 1-9 синфларда махсус мактабда, кейинги босқичда эса лицейда таҳсил олишади. Ўқув дароҳида республикамизнинг турли вилоятларидан келган истеъодли ёшлар муסיқа санъатининг 8 та йўналиши бўйича шугулланишади.

— Бугунги кунда илм масканимизда 830 нафар йилгит-қиз муסיқа сирларини ўрганишмоқда, шундан 87 нафари мактаб, 34 нафари лицей битирувчиси, — дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Жаҳонгир Иброҳимов. — Ўқувчиларни миллий муסיқа меросимиз билан яқиндан таништириб, уни асраб-авайлаш, қадрлашга ўргатиш бугунги кунда оддийлашган долзарб вазифалар сирасида. Ёшларга миллий муסיқамиз билан



фот. Носир Ҳайитов

Р.Глиер номидаги
Республика
ихтисослашган
муסיқа академик
лицейининг
3-босқич талабаси
Зебо Собитова.

бир қаторда жаҳон муסיқа санъатининг ноёб намуналари ҳам ўргатилмоқда. Яқинда Япония ва Хитойдан виолончель, пианино олиб келинди. Барча дарс ўтиш хоналари сўни русмаги компьютерлар ва замонавий чолу асбоблари билан таъминланган. Мактаб кутубхонаси муסיқа фанларига доир қўшимча адабиёт ва қўлланмалар билан бойитилмоқда. Бўлажақ муסיқачиларга ўнлаб малакали устозлар таълим беришяпти. Ўқувчиларга яратилаётган шароитларни кўриб қувонаман. 1967 йил халқаро танловда Ўзбекистондан битта ўзим қатнашган бўлсам, бугунга келиб биргина шу йили мактабимизнинг 27 нафар ўқувчиси халқаро танловлардан ғолиб ва совриндор бўлиб қайтишди. Бу, албатта ёшларга яратилаётган улкан имкониятлар самарасидир.

Дарҳақиқат, 2009 — 2010 йиллар даврида Зебо Собитова, Мухтор Мухам-

мадалиев, Бобур Мухаммаджонов, Ҳошим Қобилов, Дилноза Тўраева каби 40 дан зиёд ўқувчилар халқаро миқёсдаги кўрик-танлов ва фестивалларда ғолиблик шох-супасига кўтарилди. Улар Италия, Германия, Франция каби мамлакатларда ўз истеъодларини намоён этиб, юртимиз шон-шухратини дунёга ёйишди.

— Муסיқага 5 ёшдан меҳр қўйганман, — дейди билим даргоҳининг 3 босқич талабаси Дилноза Тўраева. — Бундан сезган ота-онам 7 ёшда шу мактабга олиб келишган. Танловдан ўтиб, фортепьяно бўлимида ўқишни бошлаганман. Айни пайтда фортепьянода 20 га яқин кўйларни ижро этишни биламан. Юртимизда ёшларга берилаётган эътибор туфайли тенгдошларим қаторида жаҳон фестиваллари ва танловларда иштирок этдим. Италиянинг Барлетта шаҳрида бўлган «Citta de Barletta» XX пианиночилар бах-

си менда унутилмас таассурот қолдирди. Дунёнинг 30 мамлакатидан келган ёшлар орасида 2-ўринга лойиқ топилганим мени бундан кейин ҳам муסיқа сирларини кенг-роқ ўрганиб, катта ютуқларга эришишга ундайди.

Айни пайтда ўқув йили якунланганига қарамай, мактаб ўқувчилари изланишда давом этиб, устозлари билан бир-галикда битирув имтиҳонлари ва халқаро танловларга тайёргарлик кўришмоқда.

Муסיқа кўнглини покловчи, кишини эзгу туйғуларга қорловчи сеҳрли қудратга эга. Бугун ўқув даргоҳларида таълим олиб, муסיқа оламига эндигина кириб келаётган ёшлар вақти келиб, миллий санъатимиз ва жаҳон муסיқа ҳазинасига ноёб, дурдона асарлар тортиқ этишларига шубҳа йўқ.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Mahalla» мухбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Мультфильмлар қаҳрамони ким?

ёхуд «оммавий маданият»нинг яширин тарғибот воситалари ҳақида



Бугун ёшларимиз тарбияси, маънавий қамолоти йўлига янги бўлаётган, юзйил хуружлардан иборат четдан кириб келаятган «оммавий маданият» ҳақида кўп фикр-мулоҳазалар билдиришмоқда. Ўзига хос «салб юриши» кўринишини олган «оммавий маданият» хуружга қарши ёшлар онгида маънавий иммунитетни шакллантириш борасида маъмур тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Қолаверса, кўп телефонлари, оммавий ахборот, реклама, кино ва видео маҳсулотларидаги беҳад ўйнарлар, ваҳшона тасвирларнинг ёш авлод онига салбий таъсири хусусида кенг тарғибот ишлари юритилмоқда. Аммо «оммавий маданият» экспортчиларининг яна шундай яширин тарғибот воситалари борки, у ҳар қандай кишини беихтиёр рағбатда қолдириши шубҳасиз.

АҚШдаги «Womer Brothers» кинокомпанияси маҳсулоти ҳисобланган «Том ва Жерри» туркумиди кўп серияли мультфильмлар алақачон болаларимизнинг сеvimли томошаларига айланган. Эпчи, сичқонча ҳамда ношуд мушук сарғушларини баён этилган ушбу мультфильм қизиқари сюжетлари билан ҳатто катта ёшдаги томошабинларни ҳам ўзига жалб этади. Аммо сичқонча разм солинса, фильм замирида ҳам «оммавий маданият» хуружи сезилди. Асар бош қаҳрамони «Жерри» лақаби сичқон мушукнинг ҳаммаларига осонликча чап беради. Томни қалитиб, қарши зарба қайтаради ва охири-охири қилиб чиқари.

Одатда, ҳар бир асар замирида эзгу ғоялар галабаси тараннум этилади. Аммо сичқончани ижобий қаҳрамон сифатида талқин этиш тўғрими? Зоология дарсликлари, турли адабиётларда ўқиганимиз: сичқон керирувчилар туркумига мансуб бўлиб, паразит (ўзгалар ҳисобидан озикланувчи) жонивор ҳисобланади. Қолаверса, унинг турли касалликлар ташувчиси эканлиги ҳам сир эмас. Энди юзйил хуружлари туфайли дунёни ўз таъсирига олиб, ўзгалар ҳисобидан кун кўрувчи кучларнинг сичқонча нақадар монандлигини кў-

затинг.

Умуман, раб мультфильм ва киносаноатида сичқонлар образи етакчи ўринни эгаллайди. «Споарт лита» — 1,2, «Сичқонча Перес», «Сичқон ошқонаси» каби ўнлаб фильмларнинг асосий қаҳрамони сичқонлар. Хусусан, «Споарт лита» фильмида Липлар оиласи яққо ёлғиз ўғилнинг: «Менга ука олиб келиб берин», деган талабига кўра, сичқонни фарзанд сифатида асраб олишади. Уни одамдек қийинтириб, ҳатто икхитирига машина ҳам бериб қўйишади. Кино сюжетлари ана шу ўзига хос «ака-ука»ларнинг сарғушларини асосига қўйилган.

Яқинда кўчдан ўтаётиб, уч-тўрт болакайнинг бир мушукни қийнаётганига гувоҳ бўлдик. Сабабини сўрасак, «Бу—Том, Жеррини еб қўйди. Шунинг учун жазолашмиз», дея жавоб қайтаришди. Мана сизга «оммавий маданият», унинг қуролларидан бири — мультфильмларнинг таъсири. Аслида, «экспортчи»ларнинг мақсади ҳам шу эмасми? Шарқ халқлари озаки ижоди, ривоятларида эъзозланган, «уй санитария» вазифасини бажарадиган мушукни қора буюкда тавдантириб, миллий анъаналарга зарба бериш ва бу орқали ҳар бир хонадонда сичқонларни урчишиб, оиладаги саломатликни, кейинчалик эса жамиятда соғлом турмуш тарзи муҳитини издан чиқариш уларнинг мақсад-муддоси эмасми?

Афсуски, «оммавий маданият»нинг бу каби ташвиқот усуллари хилма-хил. Чунончи, Голливуд ижодкорлари томонидан тайёрланган «Шрек» мультфильми алақачон кенг аудиторияга эга бўлди. Мазкур фильм юртимиз телеканалларида ҳам намоёйш этилди. Асар қизиқари сюжетга қўйилган. Аммо нақадар қизиқари бўлмасин, унинг замирида тарбия устувор эмас экан, бу самарасиз иш бўлиб қолаверади.

Мультфильм қаҳрамони Шрек лақаби бадбашара махлук, Тўғри, иларилари ҳам махлук қаҳрамонларни қузатганимиз. Аммо бу бадбашара, бесўнақай махлук шундай бефаро-

сатки, ҳар кун балчиқда чўйилади. Емиши ҳам аламбало нарсалар. Ҳўш, шундай махлукни бош қаҳрамон сифатида болаларга ибрат тарзида кўрсатиш мумкинми? Албатта, йўқ, Раб киночилари эса бунинг удаасидан чиқишди...

Биз бу билан раб болалар киносаноатининг барча маҳсулотлари талабга жавоб бермайди, демокчи эмасмиз. Аммо хорижий асарларнинг эфирга бераётганида уларни, аввало, миллий қадриятларимиз, шарқона тарбия нуктаи назаридан саралаш лозим. Зотан, ёшлар тарбияси шу қадар назорат, бугун уна тушган дарз, эртага ўқонга айланиши мумкин.

Шуқри, юртимизда ёш авлод тарбияси, уларнинг соғлом ва маънавий етук инсонлар бўлиб етишишига устувор вазифа сифатида қаралади. Шаҳару қишлоқ, овулу маҳаллалардаги ҳеч бир ўсмир давлат эътиборидан четда эмас. Ҳар бир соҳада ёшларнинг қамол топилиш, иқтидорининг юз кўрсатиши учун улкан ғамхўрлик кўрсатилади. «Оила — маҳалла — мактаб» концепциясининг ҳаётимизга тобора синиб бораётгани ҳам бу сатъ-ҳаракатларимизнинг амалий ифодасидир. Зеро, Юртобшмиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаганларидек, «Биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, иқбол ва келажакини кўришни истар эканмиз, нафақат оиладаги, балки маҳалла-қўйдаги одамларнинг ҳатти-ҳаракати ҳам боланинг шаклланиб келаётган соф қалби ва онига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борилигини унутмаслигимиз даркор».

Аббас РУСТАМОВ,
«Mahalla» мухбири.

БУ, КИЗИК!

Мўъжизадан яралган олам

ИНСОН онгу тафаккури барча замонларда мўъжизалар яратиб келган. Ҳозирги даврда яратилаётган мўъжизалар қадимгилари каби сирларга бой бўлмасда, инсон ақли ва тафаккурининг маҳсули сифатида ҳайратланарли. Яқин йилларда илм-фан, техниканинг юксак ривожини натижасида замонавий осмонлар бинолар барпо этилади.

«Сирс-Тауэр» Чикаго шаҳрида жойлашган 110 қаватли бино бўлиб, айни пайтда дунёдаги энг баланд иморатлардан бири ҳисобланади. У Нью-Йоркдаги «Эмпайр-Стрейт-Билдинг»дан 60 метр баланд, яъни унинг бўйи 443 метр, майдони эса 418000 м.кв.дан зиёд. Кўпчилик фикрига кўра, энг йирик бинолар Чикагода ўйлаб топишган. Бу гап бежиз эмас. Чунки, 1871 йили катта ёнган боис, шаҳарни қайта тиклашга киришган архитекторлар аввалгига қараганда баландроқ биноларни қуриш хавфсиз ва фойдали, деган ҳулосага келишган. Натижада баланд иморатлар туркуми юзага келган. 1882 йилда шаҳарда биринчи осмонлар бино барпо этилди. У 100 қаватли бўлиб, 92 йил кейин қурилган «Сирс-Тауэр»дан 10 қават паст эди.

«Сирс-Тауэр» биноси дастлаб «Рейбака Сирс» компанияси учун бунёд қилинган. Бу ишоотини 2400 нафар илчи 3 йил мобайнида яъни, 1974 йил қуриб битказишди. Иморатнинг пойдевори катта квадрат шаклини эслатувчи 9 та улкан трубадан иборат. Бинога ўрнатилган иккита телевизион антенна унинг баландлигини 77 метргача узайтирди.

Бинода 104 та тезкор лифт ўрнатилган бўлиб, одамларнинг чиқиб тушишлари учун ҳеч қандай муаммо йўқ. Энг қизини, иморатда 16000 та қора ойнали дераза бор. Уларни ювиш учун мўлжалланган 6 та автоматик мосламалар бутун бинони ҳар йили саккиз марта тозалайди.

Г. НОРЧАЕВА тайёрлади.



Mahalla

ИЖТимоий-сиёсий ва маърифий ҳафталик газета

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВТелефонлар:
233-39-89
236-53-93
236-57-62
233-10-73
236-53-75
Факс: — 236-57-94Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма тобоқ,
Навбатчи: У.Худойкулов, Н.Имомназарова
Мусахҳиш: Гўзал Норчаева

Намр кўрсаткичи: 148

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмохонасида босилди.
Қорхона манзили:
Тошкент, «Буюк Турон» кўчаси 41.Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда
0019 рақами билан рўйхатга олинган.Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар
кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси
Республика бошқаруви

www.mahallagzt.uz

mahalla@sarkor.uz

21150 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-513

Тошпирилди — 22.30

1 2 3 5